Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 15 (9251). • 1988 йил 21 январь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.



ҲАМИША БИЗ БИЛАН

Владимир Ильич Ленин... Бу ном юз миллионлаб кишилар учун бениҳоя қадрли ва азиздир. Мана олтмиш тўрт йилдирки, Москвада, Қизил майдонда одамларнинг сўнгсиз оқими улуғвор сукунатда Ленин мавзолейи томон оқиб келади. Улар дунёда энг оддий ва камтарин инсон, доно ва ўткир башоратчи хотирасини ёдга олишни истайдилар. Ёзнинг иссиқ кунларида ҳам, қиш аёзида ҳам Қизил майдон Совет Иттифоқининг ҳамма республикалари, ўлкалари, турли мамлакатлардан ташриф буюрган барча миллат ва элатларнинг вакиллари билан гавжум бўлади. Бундай қадамжо Тошкентда ҳам бор. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали шундай муқаддас даргоҳ. 1970 йил — музей ишлай бошлаган вақтдан буён бу ерга 9 миллион 130 мингдан ортиқ зиёратчи келди.

Ер юзининг ҳозир ҳеч бир бурчаги йўққи, у ерда улуғ Ленининг номи маълум бўлмаган бўлсин. Бу ном бутун дунё меҳнаткашларининг йўлчи юлдузи бўлиб қолди. Бу ном тараққийпарвар инсониятнинг қалби ва онгида яшамоқда, порлоқ келажак, озод ва бахтли ҳаёт, тинчлик, миллий мустақиллик, социал тараққиёт, демократия ва социализм учун курашга тинимсиз даъват этиб келмоқда.

Илмий коммунизм асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс иши ва таълимотининг улуғ давомчиси бўлган Владимир Ильич Ленин жаҳонда биринчи янги типдаги пролетар партиясининг ташкилотчиси ҳисобланади. Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти партия тарихи ва курашидан ажралмасдир. «Қондош эгизак» бўлган партия ва Ленин зафарли социалистик революцияга бошчилик қилдилар ва янги типдаги пролетар давлатини, янги ижтимоий тузумни қарор топтирдилар. Мана етмиш йилдан ортиқ вақтдан буён ана шу давлат, ана шу тузум ривожланиб, жаҳоншумул обрў-эътибор орттириб келмоқда.

Маркс ва Ленин таълимоти тайёр қоидалар, қотиб қолган йўл-йўриқларнинг йиғиндиси эмас, балки у ижодий таълимотдир. Ленининг ўзи ҳам марксизмни догматик тарзда, расмиятчилик билан талқин этувчиларга қарши эди. Унинг Октябрдан кейинги бутун фаолияти ана шу хусусият билан ажралиб туради. Янги дунёни барпо этишда «Ҳали биз бошлаган ишни кўп марталаб охирига етказишимизга, қайтадан қилишимизга, қайтадан бошлашимизга тўғри келади» деб ҳисоблаган эди у. Ҳақиқатан Совет давлатининг етмиш йиллик тарихида М. С. Горбачев таъкидлаганидек, биз бошланган ишни неча марталаб охирига етказишимизга ва қайтадан қилишимизга, узоқ давом этган шиддатли курашга бардош беришимизга, бурилиш, революцион характердаги тарихий жараёнларни бошдан кечиришимизга тўғри келди.

1985 йил апрель Пленумидан кейин мамлакатимиз сиёсий ҳаётида юз берган катта ўзгаришлар, жамиятнинг ҳамма соҳаларини кенг демократиялаш жараёни, ошкоралик ва эркин фикрлаш, қуйидан бўладиган танқидга ҳар томонлама йўл очиш ленинча принциплар қарор топаётганлигининг яққол намунасидир. Партия қатъият билан ўтказаётган ҳозирги қайта қуриш жараёни жамият тараққиётида муайян тарихий босқич ҳисобланади.

Қайта қуришдан мақсад — ленинча социализм концепциясини назарий ва амалий жиҳатдан батамом тиклашдир. Бунда меҳнат кишисининг идеалларн ва манфаатларига, экономика, соцнал ва сиёсий муносабатлар, маданиятда гуманистик қадриятларга асосий эътибор берилади. Нимаики меҳнаткаш инсонга, унинг яхшироқ яшаши йўлида хизмат қилса ўша нарсалар қўллаб-қувватланмоқда, буни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар очиб берилмоқда.

Партия ички ҳаётида ҳам ленинча нормалар тикланаётир. Бу йил ёзда ўтказилажак Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси даврнинг етилган масалаларини бамаслаҳат ҳал қилишга ленинча ёндашув намунаси бўлади. Бу конференция партия тарихида кейинги 47 йилдан сўнг ўтказилади. Ҳозир ҳамма ерда, барча меҳнат коллективлари ва партия ташкилотларида ана шу сиёсий воқеага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан жуда яқин таниш бўлган кишилар, унинг сафдошлари улуғ доҳийнинг ниҳоятда оддий ва камтарин инсон бўлганлигини алоҳида таъкидлайдилар. У ҳеч қачон ўз шахсини бирон-бир тарзда улуғлашларга асло йўл қўймаган, ҳаётда ниҳоятда камтарона кун кечирган. Партия ва халқ йўлбошчиси ўзини тақдирлашларни асло хуш кўрмаган. Шунинг учун ҳам у ҳаётлигида бирон бир ҳукумат орденини олмаган. Ўша 1924 йил январининг мотам кунларини ўз кўзи билан кўрган кекса большевиклар эслашларича, одамлар Ильич билан хайрлашиш чоғида энг азиз нарсаларини унга атаб олиб келганлар. Халқ Комиссарлари Кенгашининг ишлар бошқарувчиси Н. П. Горбунов Горкага келиб ўзининг Қизил Байроқ орденини В. И. Ленин кўксига тақиб қўйган экан.

Партия ҳаётининг ленинча нормалари қарор топаётган айни шу кунларда доҳий тақрор ва такрор уқтирган ва у сира тоқат қила олмаган учта асосий душман — коммунистман деб гердайиш, саводсизлик ва порахўрликка қаршн ҳамма жойда умумхалқ нафрати, муросасизлиги вужудга келтирилмоқда. Туб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган айни пайтда партия муҳим участкаларнинг ҳаммасини билимдон кадрлар билан мустаҳкамлашга, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида иқтисодий билимли, мустақил фикрловчи кишиларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинмоқда.

Партия ҳозирги ўзининг бутун фаолиятида доҳийнинг ўлмас асарларига, айниқса, иқтисодий снёсат ғояларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқда. Бу тажрибанинг энг қимматли томонларини, биз учун бугунги кунда зарур бўлган жиҳатларини олишга интилмоқда.

Ленин яшаган ва ишлаган давр бизлан тобора узоқлашиб бормоқда. Бироқ, унинг таълимоти улуғворлиги тобора яққол намоён бўлмоқда., Ильичнинг ҳамма фикр-ўйлари, идеаллари тўлароқ рўёбга чиқмоқда, у курашган, бутун кучи, ғайрати, генийсини бағишлаган нарсалар тобора реалроқ бўлиб қолмоқда.

Ленинизм жаҳон воқеаларининг боришига, бутун инсоният тақдирини революцион ўзгартиришга тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Миллион-миллион кишилар учун Ленин таълимоти инсоният йўлини нурафшон қилиб турган машъал бўлиб турипти.

Ленинчи коммунистлар ўз фаолиятлари, доҳий таълимоти ва ишига чексиз садоқатлари билан меҳнаткаш халқ манфаатлари йўлида ҳизмат қилишдан ҳам юқорироқ шараф йўқлигини исботламоқдалар.

Ленин таълим берганидек яшаш ва ҳаёт қуриш давримизнинг илғор кишилари — коммунистларнинг идеалидир. Ленининг номи, унинг таълимоти асрлар оша яшайди ва ғалаба қилаверади.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАСИДА

ҲОСИЛДОРЛИК ОТРЯДЛАРИ

Оржоникидзе райони хўжаликларида кузги-қишки ишлар юзасидан белгиланган тадбирлар уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Бу йил район агросаноат бирлашмаси хўжаликларда махсус ҳосилдорлик отрядлари ташкил этди. Улар фақат маҳаллий ўғит жамғариш билан шуғулланмоқдалар. Ҳосилдорлик отрядларига етарли миқдорда техника ва ишчи кучлари биркитилган. Улар шу кунгача далаларга 90 минг тоннадан ортиқ органик ўғит ташиб чиқардилар. Бу ишда «Химик», Мусамуҳамедов номли совхозларнинг отрядлари, айниқса, пешқадамлик қилмоқдалар.

АРИҚ-ЗОВУРЛАР ТОЗАЛАНМОҚДА

Райондаги хўжаликларда ариқ-зовурларни, ички сув тармоқларини тартибга келтириш ҳам қизғин олиб бориляпти. Бу иш район агросаноат бирлашмаси қошидаги махсус группа назорати остида амалга оширилмоқда. Хўжаликлараро зовурлар ва катта ариқлар машина-механизмлар, махсус агрегатлар, ускуналар ёрдамида, уват ва кичик сув шохобчалари қўл кучи билан тозаланмоқда. Ҳозиргача 100 минг куб метрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди.

ШАКЛ БЕРИЛЯПТИ

Боғларга шакл беришда «Қибрай» совхоз-заводи боғбонлари илғорлик қиляптилар. Ишнинг сифатли ва самарали бўлишида, айниқса, онла пудрати асосида механизатор С. Дуйсенов, О. Сайдалиевларнинг ҳиссалари катта бўлаётир.

Аммо, колхоз устахонасида бўлганимизда ремонтчиларга ҳеч қанақа шароит яратилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Не-не машаққатлар билан, совуқда тик оёқда туриб ремонт қилинган техникаларнинг очиқ ҳавода, ёмғир-қор тагида сақланаётганини қандай изоҳласа бўлади? Колхоз раҳбарлари ана шу аҳвол ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Ж. АБДИЕВ,

РЕМОНТЧИЛАРГА ШАРОИТ ЙЎҚ

(Телефон орқали).

ҲОЗИРГИ КУНЛАРДА Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз марказий ремонт устахонасида бўлсангиз, қизғин ишнинг устидан чиқасиз. Бу ерда кўкламги ишларга тайёргарлик авж олдириб юборилган. Шу кунгача устахона ремонтчи-слесарлари 7 та ҳайдов, 12 та чопиқ тракторларини, шунингдек, 7 та плуг ва 15 та экиш сеялкасини қўнгилдагидек ремонт қилиб қўйишди. Ремонт ишларида темирчилар Н. Лян, И. Кушенов ва механизаторлар С. Дуйсенов, О. Сайдалиевларнинг ҳиссалари катта бўлаётир.

Аммо, колхоз устахонасида бўлганимизда ремонтчиларга ҳеч қанақа шароит яратилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Не-не машаққатлар билан, совуқда тик оёқда туриб ремонт қилинган техникаларнинг очиқ ҳавода, ёмғир-қор тагида сақланаётганини қандай изоҳласа бўлади? Колхоз раҳбарлари ана шу аҳвол ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Ж. АБДИЕВ,

НУР ТАРАТИБ

ҲАРБИЙ хизматдан яқингинада қайтган Зоҳид дўстлари билан колхоз клубида кино кўриб ўтирган эди. Бирдан чироқ ўчди-ю, шусиз ҳам қоп-қоронғу зал зимистонга айланди. Киномеханик одамларга фильмни давом эттира олмаслигини маълум қилди. Томошабинлар туртина-туртина кўчага чиқиб тарқала бошладилар. Ҳаммасининг кайфияти бузилган, айниқса болаларнинг фигони фалакда эди. Эртасига қишлоқ электромонтери клуб электр тармоқларини ремонт қилгани келди. Унинг ишини кузатиб турганлар орасида Зоҳид ҳам бор эди. Зоҳид қишлоқда монтер акани ҳамма ҳурмат қилишини билар, унинг ўзини эса ҳозиргидек иш устида биринчи бор кўрган эди. Илгари эътибор бермаган экан. Ҳозир унинг шавқу завқ билан ишлаши Зоҳидни бутунлай сеҳрлаб қўйди.

Бироздан кейин ишлар битиб чироқлар ёқилди. Узоқдан ёқимли қуй овози тарала ди. Болалар хурсандликдан чапак чалиб юбордилар. Зоҳид ҳам шу кундан монтер бўлишга қарор қилди.

Кўтарма қишлоғи шаҳардан анча олислигига қарамай «Узэлектромонтаж» трестининг Тошкент шаҳар бошқармасига ишга кирди. Устозлари ўгитларини тезда илғаб оладиган сергак йигит ҳа демай коллектив орасида кўзга ташланиб қолди. Ўз ишининг малакали мутахассиси бўлиб етишди. Шунга ҳам мана 30 йил бўлибди. 1965 йили трестда Тошкент область бошқармаси ташкил этилди. Зоҳид меҳнат қилаётган участка шу бошқармага ўтказилди. Зоҳид Халилов мана ўн йилдан бери шу коллективда электромонтерлар бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Улар «Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинати коллективи қураётган турар-жойларнинг ички электр тармоқлари ва жиҳозларини

Область мукофоти лауреатлари

монтаж қилиш билан шуғулланишяпти. Бир неча йилдан буён эса комбинатнинг 2- ва 31-қурилиш бошқармалари бунёдкорлари билан ҳамкорликда ишламоқда. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг айнан шу тарзда, яъни объектларда ягона бир коллектив бўлиб ишлашлари меҳнат унумдорлиги ва сифатини ошириш омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга ички резервлардан самарали фойдаланиш, ишни тўғри ва рационал ташкил этиш, коллективда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг мустаҳкам йўлга қўйилганлиги, ниҳоят бригадирнинг ишбилармонлиги коллектив фаолияти кўрсаткичларининг юқори бўлишига олиб келмоқда. Бой ҳаётий ва иш тажрибасига эга бўлган Зоҳид ака ҳар соҳада бригада аъзоларига намуна бўлмоқда. У иш сифати ҳамда техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектор сифатида ҳам кўпгина муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

— Ҳар гал уй эгаларининг хурсандчилигини кўрганда шу одамларнинг уйига нур, ўзларига яхши кайфият бахш этишда хиссам борлигидан қалбим қувончга тўлади, ахир яхшиликка не етсин,— дейди Зоҳид ака.

Дарҳақиқат Чилонзорнинг деярли ҳамма кварталларидаги, Ташавтомаш, Юнусобод, 5-Қўйлиқ, Оҳангарон шоссеси ва шу кунларда қурилаётган Қизил Шарқ массивларидаги йирик панелли уйларнинг кўпчилигида порлаётган чироқлар Зоҳид ака бригадаси аъзоларининг меҳнати туфайлидир.

План топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан бажариб келаётган бригада аъзолари юбилей йилида зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлган эди. Пландаги 1327 минг сўмлик ўрнига 1481 минг сўмлик монтаж ишлари адо этилди. Кўп йиллардан бери пойтахтликлар хонадонига нур таратиб келаётган тажрибали меҳнатсевар электромонтерлар, моҳир бригада бошлиғи Зоҳид Халиловнинг кўп йиллик фидокорона меҳнати яқинда яна бир мукофот билан тақдирланди. У область қурувчилари учун таъсис этилган «Бунёдкор» мукофотининг лауреати бўлди.

— Бундан бутун коллективимиз аъзолари бирдек қувонишди,— дейди Зоҳид ака биз билан суҳбатда.— Чунки бу юксак мукофот фақат менгагина эмас, бутун бригадамиз аъзолари меҳнатига берилган ва биздан эришилган натижаларни амалий ишлар билан яна ҳам мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириб боришни талаб қилади.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ПОСБОНЛИГИДА

Совет Армияси ва флотининг 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ семинари

Бутун мамлакатимиз каби, совет Қуролли Кучлари ҳам қайта қуришни амалга оширмоқдалар, КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари қарорларини амалга ошириш йўлида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Армия ва флот жангчилари ўз ватанпарвар ва интернационал бурчларини шараф билан адо этиб, ватанимизнинг хавфсизлигини ишончли тарзда таъминламоқдалар. Бу ҳақда 19 январь куни Москвада очилган «СССР Қуролли Кучлари — тинчлик ва социализм ғалабалари посбонлигида 70 йил» деган Бутуниттифоқ семинарида гапирилди.

Семинарда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язов сўзга чиқди. Совет Қуролли Кучларининг тузилиши, уларнинг жанговар куч сифатида шаклланиши ва ривожланиши, кундалик турмуши ва фаолияти, деди у, В. И. Ленин номи билан, Коммунистик партия раҳбарлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Армия ва флот ўз 70 йиллик қаҳрамонона тарихи давомида Улуғ Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда.

Совет Қуролли Кучлари совет ҳарбий доктринаси принципиал қоидаларига мувофиқ равишда қурилмоқда ва ривожланмоқда ҳамда ғафлатда қолмаслик учун етарли даражада жанговар шай ҳолда сақлаб турилибди. Буни халқаро вазият тақозо этмоқда ва бўни партия билан халқимиз талаб қилмоқда.

Совет жангчилари замонавий қуроллар ва жанговар техникани изчиллик билан ўрганмоқдалар, дала, ҳаво ва денгиз кўникмаларини такомиллаштирмоқдалар, ғоявий ва жисмоний чиниқишни кучайтириб, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамламоқдалар. Армия ва флотимиз совет халқи тинч бунёдкорлик меҳнатининг ишончли гаровидир.

Семинарда СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари — Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони Совет Иттифоқи маршали В. Г. Куликов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Бутуниттифоқ семинари ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатининг мис саралаш фабрикасида меҳнат қонунлари университетининг дастлабки машғулоти бошланди. Унинг программасига лекция, семинар, ғазаки журналлар, савол-жавоб кечалари, илмий-амалий конференциялар киритилган. Университет тингловчилари бўлган мис саралаш фабрикаси ва руҳ заводи ишчи-хизматчилари қонунни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари билан учрашадилар.

Биринчи машғулот давра суҳбати формасида ўтди. Қатнашчилар «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонун» мавзусида суҳбатлашдилар. Шаҳар халқ суди раиси Л. И. Голубева билан кон-металлургия комбинатининг юридик бўлими бошлиғи Г. Е. Панчук ишчи-хизматчиларнинг саволларига жавоб бердилар.

Л. ЛАВРИНА.

ХАЛҚ МАОРИФИ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ ПРАКТИКАСИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Ўрта ва олий таълимни қайта қуришга бағишланиб Марказий Комитетнинг Пленуми ўтказилиши муносабати билан КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда олий мактаб ҳамда ҳунар-техника таълими системаси объектларини қуриш масалалари кўриб чиқилди. Кенгашда: СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госстройи раиси Ю. П. Баталин, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, бир қанча ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари ҳамда бўлим мудирлари, марказий министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, иттифоқдош республикалар Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим министрлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Халқ контроли комитети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Қурилишнинг аҳволини муҳокама қилишда: КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Ю. А. Беляков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари О. И. Лобов, КПСС Ленинград область комитетининг секретари А. С. Туманов, Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Е. Ф. Башмаков, СССР олий ва ўрта махсус таълим министри Г. А. Ягодин, СССР Шарқий районларида қурилиш министри А. А. Бабенко, Украина ССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари Л. А. Канишченко, СССР Госстройи раисининг биринчи ўринбосари, СССР министри Л. А. Бибин қатнашдилар. Уларнинг нутқларида кўпгина олий ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларининг моддий-техника базаси заифлиги, шундай объектлар капитал қурилиши планларини бажаришда жиддий орқада қолинаётганлиги, бир қанча министрликлар ва идоралар мана шу муҳим иш соҳасига етарли эътибор бермаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Ишларнинг аҳволини яхшилашга доир конкрет чора-тадбирлар таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев кенгашда нутқ сўзлади. У ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш туриб, сифат жиҳатидан янги савиядаги мутахассислар ва ишчи кадрлар тайёрлашга ўтиб бўлмаслигини таъкидлади. Шу вазифани ҳал этмасдан эса мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини реал жадаллаштиришга эришиш мумкин эмас. Қайта қуриш сиёсатида муваффақиятга олиб борадиган йўл мактабни қайта қуриш орқали ўтади.

Кейинги уч йилнинг якунлари мамлакатда социал-маданий соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш сари бурилиш содир бўлаётганлигини кўрсатди. Бироқ бу хайрли жараён олий мактабга энг кам даражада даҳл қилди. Олий мактабларнинг ўқув-лаборатория майдонлари билан таъминланиши мамлакат бўйича ўрта ҳисобда нормативга нисбатан анча пастлигича қолмоқда, умумий овқатланиш корхоналари, студентлар ётоқхоналари жуда етишмаяпти. Айни вақтда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда Ҳунар-техника таълими давлат комитети, қурилиш министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, маҳаллий партия ва совет органлари маблағларни ўзлаштириш планларининг ҳам, тегишли объектларни фойдаланишга топшириш планларининг ҳам бажарилишини таъминламаяптилар, олий мактаб ва ҳунар-техника таълими қурилишларида ишларнинг аҳволини тубдан яхшилашга эришмадилар. Кўпгина қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари мазкур объектларга ҳамон иккинчи даражали объект, деб қарамоқдалар. Ўрта Осиё республикаларида олий мактаб объектлари қурилишида аҳвол айниқса ташвишлидир. Москва, Ленинград, Владивосток, Тюмень, Ростов-Дон, Красноярск, Қозон олий мактаб қурилишларида катта қолоқликка йўл қўйилган.

Нутқда бир қанча министрликлар ҳунар-техника билим юртларининг ўқув-моддий базасини ривожлантириш соҳасида қониқарсиз иш олиб бораётганлиги айтиб ўтилди. Ўтган йили СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Рангли металлар министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Жанубий районларда қурилиш министрлиги айниқса кўп қолоқликка йўл қўйдилар. СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, жойлардаги ҳунар-техника таълими органлари ҳам қурилиш планларини бажаришда зарур ташаббус ва қатъият кўрсатмаётганликлари, улар пудратчи ташкилотлар ана шу объектларни барпо этишга нисбатан нотўғри муносабатда бўлаётганлигига тоқат қилиб келаётганликлари айтиб ўтилди.

Қурилиш сифати пастлигини кўрсатувчи кўпгина фактлар келтирилди, профессионал-техника, олий ва ўрта махсус мактаблар объектларини комплекс ҳолда топширмаслик практикасига ҳамон йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ўқув юртлари ходимларини айниқса, Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида уй-жойлар билан таъминлаш масалаларига катта эътибор берилди. Ана шу районларда бу муаммо айниқса ўткир бўлиб турибди. СССР Госплани ва Госстройи, пудратчи министрликлар ва идоралар олий ва ҳунар-техника мактаби объектларини қурилишда устун йўналиш, деб билиб, уларга нисбатан ўз муносабатларини шу вақтгача ўзгартирмаганликлари таъкидланди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига 2000 йилгача бўлган даврда ҳар бир олий ўқув юрти, техникум ва ҳунар-техника билим юртининг моддий-техника базасини ривожлантириш масалаларини янги талаблар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, капитал қурилиш планлари рўёбга чиқарилиши устидан таъсирчан контролни йўлга қўйиш, бутун қурилиш технологиясига риоя этилиши, қурилиш-монтаж ишларининг юксак сифатли бўлиши таъминланиши, олий ва ўрта мактаб объектлари ўз вақтида фойдаланишга топширилиши учун пудрат ташкилотлари раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш вазифаси топширилди.

* * *

Е. К. Лигачев, кенгашнинг бошқа қатнашчилари Архитекторлар марказий уйида ташкил этилган мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва олий ўқув юртлари биноларининг янги лойиҳалари виставкасини бориб кўрдилар. Халқ маорифи объектларини қуришнинг амалдаги нормативларини таҳлил этиш, уларни ўқув-тарбия жараёнининг ҳозирги талабларига мослаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Олий ўқув юртлари, мактаблар ва билим юртлари биноларини лойиҳалашга архитекторлар ва лойиҳачиларнинг энг яхши кучларини жалб этиш, ишларни ташкил этишда конкурс ёндашувни кенг қўллаш кераклиги тўғрисидаги истак билдирилди. Ўқув юртларининг янги биноларн шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшиши лозим.

(ТАСС).

707-СЧЁТГА

ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСИ ремонт цехининг коллективи ўз мукофотини 707-счётга — Совет болалар фондига ўтказди. Мукофот 450 сўм бўлиб, ремонтчиларга беш йилликнинг иккинчи йилида зарбдор меҳнат учун берилган эди. Ҳозир коллектив ишга иш қўшилди: станциянинг тўртинчи энергоблоки ишга тушириб юборилди. Тиғиз мавсум бошланганлигига қарамай, ГРЭСнинг барча блоклари пухта ишламоқда. Бунда цех ишчиларининг хизмати катта. Улар асбоб-ускуналарни ишлатишда намуна бўлмоқдалар.

2. УМУМПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Ленинчи партия социалистик революция ғалабаси учун ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб чиқди. 1917 йил октябри Россия халқларининг озодликка бўлган интилишлари чўққиси бўлди, инсоният даҳолари орзу қилган режаларни рўёбга чиқарди. Октябрь ғалабаси билан тарих большевиклар партияси зиммасига жамиятимизда социалистик қайта ўзгартишлар учун ҳаракатни бошқаришдек масъулиятли вазифасини юклади. РКП(б)нинг VIII съездида партиянинг иккинчи Программаси қабул қилинди. Унда социализм қурилиши вазифалари таърифлаб берилди.

1919 йил декабрида бўлган Бутунроссия VIII конференцияси Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг ўтказилган биринчи конференция эди. Унда Марказий Комитетнинг сиёсий ва ташкилий доклади; халқаро аҳвол; партия ва совет қурилиши масалалари, бир қатор хўжалик масалаларини ҳал этишда партиянинг вазифалари эшитилди ва муҳокама қилинди. Конференцияда В. И. Ленин РКП (б) Марказий Комитетининг сиёсий доклади билан чиқди. Украинада Совет ҳокимияти тўғрисида нутқ сўзлади, халқаро сиёсат тўғрисидаги резолюция лойиҳасини ёзди. Делегатлар Марказий Комитетнинг сиёсий йўли ва ташкилий фаолиятини якдиллик билан маъқулладилар. Конференцияда нуқтаи назарлар эркин баён қилинди, фикрлар таққосланди ва партия манфаатлари йўлидаги қарорлар қабул қилинди. Совет қурилиши, унинг принциплари ва бундан буёнги ривожланиш йўллари тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганда қизғин музокаралар авж олиб кетди. Конференция ҳокимият органлари қурилишида демократик централизм ленинча принципларини, бу органларда партиянинг раҳбарлик ролини тасдиқлади, совет аппаратини мустаҳкамлаш ва давлат қурилишига меҳнаткашлар кенг оммасини жалб этиш юзасидан қарорлар қабул қилди.

VIII конференция партия қурилишига катта эътибор берди: партиянинг янги Устави қабул қилинди, партия янги аъзоларидан фойдаланиш тўғрисидаги тезислар тасдиқланди. Конференция қабул қилган РКП(б) Устави В. И. Ленининг актив иштирокида ишлаб чиқилган эди. Уставда социалистик жамият қурилишида раҳбар ва етакчи ҳамда йўналтирувчи куч бўлган партия тўғрисидаги энг муҳим ленинча қоидалар ўз ифодасини топди. Янги Уставда партия сафига кирувчиларга талаб оширилди, партия программаси ва тактикаси билан таништириш ва партияга кираётган кишининг шахсий хислатларини текшириш мақсадида кандидатлик стажи белгиланди. Устав янгича тузилган бўлиб, у 62 параграфни ўз ичига олган 12 та бўлимдан иборат эди аввалги Уставнинг бўлимлари йўқ эди, у 12 та параграфдан ташкил топганди. Ўз тузилиши жиҳатдан бу Устав кейинги йилларда жиддий ўзгаришларсиз қолди ва КПСС XXVII съезди қабул қилган, ҳозир амалда бўлган партия Уставига асос бўлди.

Кейинги, РКП(б)нинг IX Бутунроссия конференцияси ишида ҳам партия қурилиши масалалари муҳим ўрин эгаллади. Конференцияда В. И. Ленин Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоботи билан чиқди, партия қурилишининг навбатдаги вазифалари тўғрисида нутқ сўзлади ва шу масала юзасидан резолюция лойиҳасини тайёрлади. Конференцияда бир қатор жойларда носоғлом ҳодисалар намоён бўлаётганлиги: айрим масъул ходимларнинг партия ташкилотлари ва ишчилар оммасидан ажралиб қолаётганлиги, бюрократизмга қарши кураш сусайганлиги ва бошқалар кўрсатиб ўтилди. Буларнинг ҳаммаси аввало ички партия

• Ёш коммунистлар мактаби: НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

ишларини яхшилашни тақозо этарди. Қабул қилинган резолюцияда ички партия демократиясини янада ривожлантириш, партия бирлигини, унинг интизомини ва меҳнаткашлар кенг оммаси билан яқин алоқасини мустаҳкамлаш, партия ёш аъзоларини ғоявий-сиёсий тарбиялаш ишларини кучайтириш ва партия сафларига пролетар оммасининг энг яхши вакилларини жалб этиш назарда тутилган эди. IX конференция резолюциясида партиянинг маҳаллий муассасаларини ҳам, марказий муассасаларини ҳам кенгроқ танқид қилишни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Ҳар хил суиистеъмолликларга қарши курашни ва партия контролини кучайтириш учун конференция Марказий Комитет билан бирга Контроль комиссиясини ташкил қилиш, жойларда губерния, область ва республика партия комитетлари ҳузурида махсус партия комиссияларини тузишга қарор қилди.

VIII ва IX партия конференцияларининг қарорлари ички партия ишларини яхшилашда, партиянинг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида таъсирини кучайтиришда муҳим роль ўйнади. Конференцияларнинг қатор қоидалари ҳозирги кунда ҳам ўзининг актуаллигини йўқотмаган.

Маълумки, партия қурилиши масалалари РКП(б)нинг VIII ва IX съездларида, қатор умумпартия конференцияларида, Марказий Комитет пленумларида муфассал кўриб чиқилган эди. Бу проблемаларга бунчалик катта эътибор билан қаралиши Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин большевистик партиянинг аҳволи ўзгарганлиги, у идора этувнинг моҳияти ишчилар синфининг деҳқонларга муносабатидан иборатлиги уқтириб ўтилган. Янги иқтисодий сиёсатга ўтишда энг муҳим нарса қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришда иқтисодий манфаатдорликни ошириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдан иборат эди. Ленининг фикрича, НЭПнинг моҳияти улуғ революция билан туғилган ғайрат-шижоат ёрдамида, шахсий манфаат, шахсий қизиқиш ва хўжалик ҳисоби асосида янги жамиятни қуришдан иборат эди.

1921 йил май ва декабрь ойларида бўлган X ва XI партия конференциялари НЭПни конкретлаштириш, уни жойларда амалга ошириш масалаларига катта эътибор берди. В. И. Ленин X партия конференциясида қилган докладида ва якунловчи нутқида НЭПнинг моҳиятини тушунтириб берди, конкрет вазифаларни илгари сурди, уларни бажариш йўлларини белгилаб берди. XI партия конференцияси резолюциясида Совет ҳокимияти янги иқтисодий сиёсатга ўз вақтида ўтганлиги ва бу сиёсатнинг тўғрилиги хўжалик оборотн жонланаётганлиги билан тўла тасдиқланганлиги таъкидланган. Конференция хўжаликнинг тикланиши муносабати билан партиянинг навбатдаги вазифаларини белгилаб берди, бунда саноатда, қишлоқ хўжалиги, кооперациядаги вазифалар мустаҳкил кўриб чиқилди. Партия сафларини тозалаш билан боғланган партия ички ишлари масалалари ҳам муҳокама қилинди.

М. С. Горбачев Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги тўғрисидаги докладда биз ҳозир янги иқтисодий сиёсат ленинча ғояларига тез-тез мурожаат қилаётганлигимизни, бу тинининг дастлабки якунларини муҳокама килди ва съезд қарорларини амалга ошириш учун партия билан ишлашга чақирди.

XII конференция яна шу билан диққатга сазоворки, унда янги Устав қабул қилинган эди. Бу Уставда партия ва унинг органлари структураси аниқ белгилаб берилган эди, РКП(б)ни ёт синфий унсурлардан муҳофаза қилиш ва партия сафлари бирлигини сақлаш тадбирлари кучайтирилган эди.

Кейинги, XIII умумпартия конференцияси 1924 йил январь ойининг ўрталарида бўлиб ўтди. У А. И. Рыковнинг иқтисодий сиёсат вазифалари тўғрисидаги ва И. В. Сталининнг партия қурилишининг навбатдаги вазифалари тўғрисидаги докладларини муҳокама қилди ҳамда улар юзасидан кенгайтирилган қарорлар қабул қилди. Иқтисодий сиёсатга доир резолюцияда саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, ички ва ташқи савдони кенгайтиришга, молия ишларини мустаҳкамлашга, план ишларини яхшилашга имкон берувчи амалий тадбирлар белгилаб олинди. Конференция «Партия қурилиши тўғрисида»ги резолюцияда партия ячейкаларини ишлаб чиқаришга яқинлаштиришни талаб қилди, партия йиғилишларида хўжалик билан шуғулланувчи коммунистларнинг ҳисоботлари ва ахборотларини мунтазам муҳокама қилиб туришни тавсия этди. Бу қоида кейин яна ривожлантирилди. Ҳозир амалда бўлган КПСС Уставида коммунистларнинг Устав вазифаларини ва партия топшириқларини қандай бажаратганликларн тўғрисида ҳисоботларини вақти-вақти билан эшитиб туриш ғояси аниқ ифодаланган.

Мамлакат кўп йиллик урушдан сўнг тинч меҳнат шароитига ўтаётган эди. Партиянинг X съезди (1921 йил март) озиқ-овқат разверсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу масала юзасидан В. И. Ленин қилган докладда разверсткани солиқ билан алмаштириш тўғрисидаги масала аввало ва асосан сиёсий масала эканлиги, чунки бу масала-тажрибадан ҳозирги кунда бизга зарур бўлган ҳамма муҳим нарсаларни олишга интилаётганлигимизни таъкидлаб ўтди.

XII Бутунроссия конференцияси (1922 йил август) мамлакат ва партия тақдири учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалаларни кўриб чиқди. В. И. Ленин касаллиги туфайли конференцияда иштирок эта олмади. Конференцияда В. В. Куйбишев, В. М. Молотов, Г. И. Чичерин докладлар билан чиқдилар. Халқаро аҳвол тўғрисидаги докладни муҳокама қилиб, конференция ташқи сиёсат масалалари бўйича партия Марказий Комитетининг йўлини маъқуллади, халқаро империализмнинг Советлар мамлакатига ўринсиз шартшароитларни зўрлаб тиқиштиришга бўлган уринишларини рад этган совет делегациясининг Генуя ва Гаагада тутган позициясидан қониқиш ҳосил қилганлигини изҳор этди. Партия конференцияси, шунингдек РКП(б) XI съезди қарорлари асосида касаба союзлари фаолиятининг дастлабки якунларини муҳокама килди ва съезд қарорларини амалга ошириш учун партия билан ишлашга чақирди.

XII конференция яна шу билан диққатга сазоворки, унда янги Устав қабул қилинган эди. Бу Уставда партия ва унинг органлари структураси аниқ белгилаб берилган эди, РКП(б)ни ёт синфий унсурлардан муҳофаза қилиш ва партия сафлари бирлигини сақлаш тадбирлари кучайтирилган эди.

Кейинги, XIII умумпартия конференцияси 1924 йил январь ойининг ўрталарида бўлиб ўтди. У А. И. Рыковнинг иқтисодий сиёсат вазифалари тўғрисидаги ва И. В. Сталининнг партия қурилишининг навбатдаги вазифалари тўғрисидаги докладларини муҳокама қилди ҳамда улар юзасидан кенгайтирилган қарорлар қабул қилди. Иқтисодий сиёсатга доир резолюцияда саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, ички ва ташқи савдони кенгайтиришга, молия ишларини мустаҳкамлашга, план ишларини яхшилашга имкон берувчи амалий тадбирлар белгилаб олинди. Конференция «Партия қурилиши тўғрисида»ги резолюцияда партия ячейкаларини ишлаб чиқаришга яқинлаштиришни талаб қилди, партия йиғилишларида хўжалик билан шуғулланувчи коммунистларнинг ҳисоботлари ва ахборотларини мунтазам муҳокама қилиб туришни тавсия этди. Бу қоида кейин яна ривожлантирилди. Ҳозир амалда бўлган КПСС Уставида коммунистларнинг Устав вазифаларини ва партия топшириқларини қандай бажаратганликларн тўғрисида ҳисоботларини вақти-вақти билан эшитиб туриш ғояси аниқ ифодаланган.

В. И. Ленининг оғир бетоблигидан, мамлакат иқтисодий тараққиётидаги объектив қийинчиликлардан фойдаланган Троцкий 1923 йил кузида партияни ленинча йўлдан тойдиришга уриниб, унга қарши янги юришни бошлади. XIII партия конференцияси оппозицияга кескин зарба берди, уни яққол намоён бўлган майда буржуа оғмачилиги, ленинизмдан очиқдан-очиқ чекиниш сифатида таърифлади. Бироқ 1924 йилда Троцкийнинг партияга қарши чиқишлари кучайди. Шу йилларда у СССРда социализм ғалаба қилиши мумкин эмас, деган ўзининг тезисини ҳар қандай йўллар билан асослашга уринди. Зиновьев ва Каменев троцкизмни ҳимоя қилиб, бу марксизмнинг бир кўриниши ва шунинг учун «қонуний» яшашга ҳуқуқи бор, деб кўрсатдилар. «Янги оппозиция» тарафдорлари капиталистик ўров шароитида Совет мамлакатининг техник-иқтисодий қолоқлиги социализм қурилиши учун енгиб бўлмас тўсиқ ҳисобланади деб туриб олдилар.

Юқоридагилардан кўринадики, ана шу йилларда мамлакатимизда социалистик қурилиш истиқболлари тўғрисидаги масала катта назарий ва улкан амалий аҳамият касб этди. У муҳим халқаро аҳамиятга ҳам эга эди. Партия Марказий Комитети СССРда социализм қурилиши тўғрисидаги ленинча ғояларни чуқур тушунтириш ва уларга партия қарорлари характерини бериш мақсадида 1925 йил апрелида РКП(б) XIV конференциясини чақириш зарур, деб топди. Ф. Э. Дзержинский, В. М. Молотов, А. И. Риков, А. Д. Цюрупанинг докладларида, конференциянинг кўпдан-кўп делегатлари нутқларида партиянинг социалистик қурилиш бўйича етилган конкрет вазифалари белгилаб берилди. Конференция жаҳон пролетар революцияси ривожланиш суръати секинлашган шароитда ҳам СССРда социализм ғалабаси мумкинлиги тўғрисидаги ленинча қоидани батамом тасдиқлади, Европа пролетариати томонидан давлат ёрдамисиз СССРда социализм қуриб бўлмайди деган оппозициянинг фикрини рад этди. Конференция ички шароитлар нуқтаи назаридан бизда социалистик жамият тўла қурилиши учун ҳамма шароитлар мавжудлигини уқтирди. Конференция қарорлари партия ва мамлакатнинг барча меҳнаткашларини равшан истиқбол билан, ёрқин келажак билан қуроллантирди, уларни социализм қурилишининг амалий вазифаларини ҳал этишга чоғлади.

Шундай қилиб, VIII—XIV конференцияларнинг қарорлари партия ишининг конкрет форма ва усулларини ишлаб чиқишга, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, НЭП шароитида Ленин таърифлаб берган РКП(б)нинг вазифаларини амалга оширишга, халқ хўжалигини тиклашга, мамлакатда социалистик қурилишнинг дастлабки одимларини қўйишга даъват этди.

(Давоми бор).

Октябрь Революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводи комсомолёшлари ўртасида ВЛКСМнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан мусобақа қизғин бошланиб кетди. Унда фаол иштирок этаётган А. Аҳмаджонов етакчилигидаги комсомолёшлар бригадаси меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Топшириқ ҳар сменада ортиғи билан адо этилаяпти. Ушбу суратда бригада етакчиси А. Аҳмаджоновни слесарь В. Фунтиков билан кўриб турибсиз.

Е. Ботиров фотоси.

МУЛК ФОРМАЛАРИГА ЯНГИЧА НАЗАР

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми ва қайта қуриш муаммолари юзасидан ундан аввал бошланган мунозаралар, хусусан, бизда социализм шароитида мулк формаларига муносабат, уларнинг жамоат ишлаб чиқаришдаги ўрни ва ролини қайта кўриб чиқиш жараёни бошланди. Биз ҳозирги босқичда совет жамиятини ривожлантириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда хўжалик механизмини тубдан қайта қуришга қулайликлар яратиш учун социализмнинг иқтисодий формалари тўғрисидаги тасаввурларимизни янгилашимиз керак, деб уқтирди М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг июнь Пленумида сўзлаган нутқида.

СССРда мулкнинг давлат формаси асосий ҳисобланади. Унга ер, ундаги бойликлар, сув, ўрмон, завод, кон ва шахталар, транспорт, алоқа, банк, қишлоқ хўжалик корхоналарининг бир қисми (совхоз), коммунал хўжалик ва бошқалар киради. Мамлакатимиздаги жами ишлаб чиқариш воситаларининг тахминан 90 процента давлат мулки ҳисобланади. Социалистик мулкнинг бошқа формаси — қишлоқ хўжалик (колхоз), балиқчилик қурилиш кооперативлари мулкидир. Шунингдек, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўз уставларида белгилаб қўйилган вазифаларни бажаришларга мўлжалланган мулк ҳам социалистик мулклар сирасига тааллуқлидир.

Мебель, уй автомобиль, колхозларда эса колхозчиларнинг шахсий томорқа ерлари каби хусусий равишда истеъмол қилинадиган ва фойдаланиладиган буюмлар СССР гражданларининг шахсий мулклари ҳисобланади.

Ўттизинчи йилларда совет иқтисодчилари давлат мулкига «олий», чинакам ижтимоий ва энг илғор форма сифатида қарабгина қолмай, балки бошқа формадаги мулкларни ҳам давлат ихтиёрига ўтказишни ёқлаб чиқа бошладилар.

Мулкнинг икки формаси ўртасидаги фарқ муаммоси, табиийки, «олий» — давлат мулки ҳисобига ҳал этилганди. КПСС Марказий Комитети секретари А. Яковлевнинг таъбири билан айтганда, ақидапарастлар кооперацияни зўрма-зўраки давлатлаштиришга уриндилар. Саноат кооперативлари бекор қилинди, ҳунармандчилик кооперативлари тугатилди, кўпгина қишлоқ хўжалик кооперативлари давлатникига айлантирилди.

Қайта қуриш муаммолари

Ваҳоланки, В. И. Ленин социализм — маданийлашган кооператорлар тузуми, бу — ёппасига бутун халқ кооперацияси, деб таъкидлаган эди. СССР ФА Экономика институти директори Л. И. Абалкининг фикрича, мулк формаларининг роли ва ўрнини баҳолашдаги хато совет экономикасининг кооператив ва хусусий секторларини асоссиз қисқаришигагина эмас, балки мулкнинг давлат формасидан фойдаланиш самарасининг анча пасайишига, унинг сусайишига, янгиликларга бефарқ бўлишига олиб келди.

Етакчи иқтисодчилар ҳозир илгариги қарашларнинг кўпини қайта кўриб чиқиб ва ноўрин ақидаларни бартараф эта бориб, социалистик мулкнинг ҳамма формалари ягона умумхалқ мулкининг таркибий қисмидир, деб ҳисоблашмоқдалар. Унинг таркибий қисмлар ўртасидаги мутаносиблик конкрет иқтисодий ҳолатга боғлиқ. Мулкнинг ҳеч бир формаси социализмни мустаҳкамлаш ишида имкониятлари тугамай туриб йўқотилиши мумкин эмас. Агар оила пудрати унумдорликни меҳнатни ташкил этишнинг бошқа формаларига нисбатан 2—3 баравар оширса, қандай қилиб уни эскирган форма дейиш мумкин? Агар якка тартибдаги меҳнат фаолияти фойда келтирса, унинг ривожига нима учун ҳам ғоявий, ҳам амалий ғов солиш керак? Фақат битта чекланиш яъни эксплуатацияга йўл қўймасликда қатъий туриш лозим. Кимлардир кооперация ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ош бўлмаса, хусусий хўжалик практикасига қайтиш, деб талқин қилмоқчи бўлдилар, деди М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида. Шахсан ўзимизнинг ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар тажрибаси бундай иқтисодий формаларни социализм доирасида қўлланиш фойдали ва зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Янгича ёндошиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги Қонун ўтган йилнинг май ойидан кучга кирди. Мамлакатимиздаги ҳамма областларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида юзлаб янги кооперативлар ташкил этилди, минглаб кишилар янги кооперативларга кирдилар ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятларини бошладилар. 29 июнда СССР Олий Совети қабул қилган давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун давлат мулкини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшди. Бу қонун демократиялаш, экономиканинг давлат секторида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш учун қулай имконият яратади.

Шундай қилиб, бизнинг мамлакатимизда назария ва иқтисод фанининг ривожи экономиканинг ҳамма жабҳаларидаги қайта қуриш билан параллел ҳолда, социализмдаги ҳамма мулк формалари потенциалидан тўла фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилаётган ҳолда давом этмоқда.

(АПН).

ДИН ВА ДИНДОРЛАРГА МУНОСАБАТ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НИНГ СИРТҚИ АТЕИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ

Одамлар онгидаги қолоқликни ва ҳулқ-атвордаги зарарли одатларни бартараф этиш муайян иқтисодий-сиёсий ва идеологик вазифаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини марксизм-ленинизм классиклари алоҳида уқтирган эдилар. Бу ўринда В. И. Ленининг атеистик меросини, айниқса, «Социализм ва дин», «Ишчилар партиясининг динга муносабати ҳақида», «Синфлар ва партияларнинг динга ҳамда черковга муносабатлари», «Рухонийлар ва сиёсат» каби асарларини ўрганиш динга муносабатда партиянинг асосий принципларини чуқур тушуниш имконини беради. Бу принципларнинг тўғрилигини социализм қуриш тажрибаси ва СССРнинг бутун тараққиёт тарихи яққол тасдиқлаб турибди.

В. И. Ленин динга қарши кураш объектив факт эканлигини англаш материализм ва марксизмнинг энг бошланғич қонуни эканлигини таъкидлаган эди. «Бундан юз эллик ва икки юз эллик йил аввал... халқларга инсониятни ўрта аср имтиёзларидан, хотин-қизлар ҳуқуқсизлигидан, маълум бир диннинг (ёки «дин ғоясининг», умуман «диндорликнинг») давлат имтиёзларидан, миллатларнинг ҳуқуқдаги тенгсизлигидан озод этишни ваъда қилган эдилар. Ваъда қилдилару, ленин бажармадилар, бажара олмадилар, чунки «муқаддас хусусий мулкка» «эҳтиром» бунга тўсқинлик қилди. Бизнинг пролетар революциямизда бу минг марта лаънатланган ўрта асрчиликка ва бу «муқаддас хусусий мулкка» «эҳтиром» йўқ эди» (В. И. Ленин, ТАТ, 44-том, 169-бет).

Дин социалистик жамиятда синфий қурол бўлмаса-да, ўзининг ижтимоий ҳаётдаги зарарини сақлаб қолмоқда. Илмий атеизм асосчилари Коммунистик партиянинг вужудга келиш тонгидаёқ халқ оммаси онгини ғайриилмий, ҳаёлий тасаввурлардан озод этиш йўлидаги курашни кишиларнинг диний эҳтиёжлари қондирилиши учун давлат зарур шарт-шароитлар яратиши кераклиги тўғрисидаги қатъий талаблар билан бирга қўшиб олиб бордилар. В. И. Ленин ўз таълимотида ҳамиша таъкидлаганидек, эътиқод ҳеч қачон зўрлик ва алдамчилик билан амалга оширилмайди, социал демократия тўла виждон эркинлиги учун курашади, дин ишларидаги ҳар қандай чин эътиқодга ҳурмат билан қаралади.

Ленин таълимотларига суянган партиямиз динни давлатга нисбатан хусусий иш деб эълон қилди, диний уюшмаларни давлатдан ажратиб, уларнинг ҳокимият ишлари билан алоқасини узди, мактаб ҳар қандай диний таълимотдан ҳоли бўлди, бу тадбирлар виждон эркинлигининг даҳлсизлигини таъминлади. Виждон эркинлиги масаласидаги бу принцип чинакам виждон эркинлигини, шу жумладан, динга эътиқод қилиш ёки атеистик пропагандани олиб бориш эркинлигини беради.

Бу ўринда шу нарсани очиқ айтиш керакки, атеистик пропагандамизда баъзи хатоликлар бўлган эди. Атеизм байроғи остида баъзан руҳонийларни ҳақорат қилишлар, диннинг асосларини билмай туриб, уни ҳўдабехуда инкор этишлар, ғайриилмий асосда атеистик пропаганда олиб боришлар, эътиқодларни ҳақорат қилишгача бориб етишлар содир бўлгани сир эмас. Баъзи ҳолларда диний ва миллий ҳолатлар аралаштириб юборилиши оқибатида прогрессив анъаналар ҳам инкор этилди.

Атеистик пропагандани эътиқод ва ишонтириш кучи асосий шиор бўлиб қолмоғи керак. Масалан, диндорларни мажбурий, маъмурий йўл билан ўз эътиқодларидан қайтариш жамият, кишилик тараққиёти учун халақит беради гина эмас, балки зарар ҳам келтиради. Бу ўринда доҳиймизнинг мана бу гаплари жуда ибратлидир: «Шу вақтгача ўз муллаларининг таъсири остида бўлган қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар каби халқларга нисбатан биз нима қила оламиз?.. Биз шу халқларга бориб: «Биз сизнинг эксплуататорларингизни ағдариб ташлаймиз» деб айта оламизми? Биз бундай қила олмаймиз, чунки улар ўз муллаларига қарамдирлар. Бунда айни лар эътиқодларидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидирлар. Бу нарса «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида»ги декретда, 1918, 1924, 1936, 1977 йилги Совет Конституцияларида ва дин масалаларига доир бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Илмий атеизм классиклари виждон эркинлиги принципини диний сарқитларнинг секин-аста тугатилиши учун курашнинг зарур шарти деб билганлар. Атеистлар диннинг бартараф этилишини зўравонлик методлари ёрдамида тезлаштириш йўлидаги уринишларга қарши чиқиб, динга қарши фақат ишонтириш йўли билан кураш олиб бормоқдалар. «Биз диний туманга қарши нуқул ғоявий ва фақат ғоявий қурол воситаси билан, матбуотимиз, сўзимиз воситаси билан курашмоқ учун черковнинг моҳияти ишчилар синфининг деҳқонларга муносабатидан иборатлиги уқтириб ўтилган. Янги иқтисодий сиёсатга ўтишда энг муҳим нарса қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришда иқтисодий манфаатдорликни ошириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдан иборат эди. Ленининг фикрича, НЭПнинг моҳияти улуғ революция билан туғилган ғайрат-шижоат ёрдамида, шахсий манфаат, шахсий қизиқиш ва хўжалик ҳисоби асосида янги жамиятни қуришдан иборат эди.

1921 йил май ва декабрь ойларида бўлган X ва XI партия конференциялари НЭПни конкретлаштириш, уни жойларда амалга ошириш масалаларига катта эътибор берди. В. И. Ленин X партия конференциясида қилган докладида ва якунловчи нутқида НЭПнинг моҳиятини тушунтириб берди, конкрет вазифаларни илгари сурди, уларни бажариш йўлларини белгилаб берди. XI партия конференцияси резолюциясида Совет ҳокимияти янги иқтисодий сиёсатга ўз вақтида ўтганлиги ва бу сиёсатнинг тўғрилиги хўжалик оборотн жонланаётганлиги билан тўла тасдиқланганлиги таъкидланган. Конференция хўжаликнинг тикланиши муносабати билан партиянинг навбатдаги вазифаларини белгилаб берди, бунда саноатда, қишлоқ хўжалиги, кооперациядаги вазифалар мустаҳкил кўриб чиқилди. Партия сафларини тозалаш билан боғланган партия ички ишлари масалалари ҳам муҳокама қилинди.

М. С. Горбачев Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги тўғрисидаги докладда биз ҳозир янги иқтисодий сиёсат ленинча ғояларига тез-тез мурожаат қилаётганлигимизни, бу



Умрзоқ Жўраев қўли гул бинокорлардан. «Ташобланпромстрой»га қарашли 11-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннада комплекс бригадага раҳбарлик қилмоқда. Бу коллектив аъзолари шу кунларда Янгийўл районидаги Новомихайловский давлат наслчилик заводи чорвадорлари учун уй-жой посёлкаси бунёд этишда қатнашишяпти. Бригадир меҳнатда ҳаммага намуна бўлаяпти.

Р. ГАЛИЕВ фотоси.

«АВТОМОБИЛИСТ» КООПЕРАТИВИ

Тошкент экскаватор заводининг меҳнатчилари энди ўз машиналарини майда ремонт билан бир қаторда капитал ремонт қилиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Корхона территориясининг ўзида кооператив очилди. Завод унга станоклар ва асбоб-ускуналар ажратиб берди, материаллар билан таъминлади. Бундай ҳамкорликдан ўзаро фойда кўрилади. Кооператорлар мураккаб ремонт ишларини бажариб, барқарор даромад оладилар, даромаднинг бир қисми заводга ўтказилади.

(ЎзТАГ).

ТОР УСТАХОНАДА СИФАТЛИ ИШ

УШБУ миннатдорчилик сатрларини ёзишимга бир воқеа сабаб бўлди. 1987 йилнинг апрель ойида телевизоримиз ёмон кўрсата бошлади. Ўшанда район маркази — Зафардаги «Зангори экран» устахонаси ходимларидан Собир Ҳанноновни Вали Юсуповлар уйимизга таширифи буюриб, ўз хизматларини таклиф қилишди. «Арзимаган иш экан-ку» деб икковлон ярим кун давомида телевизоримизни тузатишга уринишди. Лекин уларнинг бу уринишлари беҳуда кетди. Ўшандан кейин ҳатто экранда бор тасвир ҳам йўқолди. Охири бўлмади шекилли, «Бу мураккаб ремонт экан, бошқа куни келиб тузатиб кетамиз» дея жўнаб қолишди. Икки ой улардан дарак бўлмади. Кейинчалик А. Мавлонов номли совхоз марказида «Зангори экран» устахонасининг филиали иш бошлаганидан дарак топдим. У ерда уста Сирожиддин Хайитбоев телевизорнинг қандай бузилганлигини эътибор билан суриштиргач:

— Кечки пайт хабар олиб ўтинг-чи, — деди.

Ишдан қайтаётганимда устахонага кирдим. Телевизоримнинг биноийдек кўрсата бошлаганидан қувондим. Мана орадан ярим йил ўтдики, телевизор бенуқсон ишлаяпти. Бу орада ўз ишининг устаси Сирожиддин Хайитбоев ҳақида совхоз аҳолисидан кўп миннатдорчилик сўзларини эшитдим. Унинг ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида яна устахонада бўлдим.

— Ёшлигимда радио-конструкторлик ишларига кўп қизиққанимдан Бекобод шаҳар индустриал техникумига шу ихтисослик бўйича ўқишга кирдим. Ҳар бир аппаратни сифатли созлаб, эгасига топширмагунимча кўнглим жойига тушмайди... Уста гап орасида бундан ҳам яхшироқ ишлаш мумкинлигини, лекин устахонанинг торлиги, шароит йўқлигидан нолиб қўйди. Дарҳақиқат, устахона биноси ремонталаб, ҳоналари тор. Ҳатто ёғин-сочин кунлари бино томидан чакка ҳам ўтар экан. Ўйлаймизки, ушбу эътирозларга А. Мавлонов номли совхоз дирекцияси ва касаба союз комитети, албатта бефарқ қарамайди.

Ҳ. ТЎРАҚУЛОВ
«Маданнаят» қишлоқ Совети ходими.

БУЮРТМА БЕРИЛГАН СОХТАКОРЛИК

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ОПЕРАЦИЯСИ ВА ЭКСТРЕМИСТЛАРНИНГ БОШҚА ҚИЛМИШЛАРИ

Янги йил арафасида ҳамма қувноқ кайфиятда бўлади: байрам кунлари қандайдир янги, порлоқ бир нарсалар кутилади.

27 декабрь куни янги йил хариди учун «Болалар дунё»сига келган кишилар бошқа воқеага дуч келишди. Уларнинг ҳар бири йўлида гоҳ бир, гоҳ иккинчи нотаниш киши пайдо бўлиб, қандайдир қоғозни имзо чекиш учун узатиб турарди.

Улар кимлар экан?

Ўзини «қрим татарларнинг ҳимоячилари» деб атаган бир гуруҳ кишилар қандайдир петицияни қўллаб-қувватлашни талаб этишарди. Бу уларнинг изоҳ беришича, бир кун олдин «ёшларнинг намойиши»ни ўтказишга ҳалақит қилинганлиги хусусидаги норозилик петицияси экан. Таниқли ижрогар Мустафо Жемилевнинг қайинсинглиси Эдие Жемилева одамларга, айниқса, елимдек ёпишиб оларди.

У йиғинни мавжуд қонунга хилоф равишда ўтказмоқчи бўлишганини ҳеч кимга тушунтириб ўтирмади, албатта.

Баъзилар имзо тўпловчилардан жаҳлланиб, ўзларини четга олишди. Бошқа бировлар бундай шилқимликни тўхтатишни, байрам кайфиятини бузмасликни талаб қилдилар. Яна бошқа бировлар эса...

Ана шу бошқа бировлар — М. Жемилев билан Ф. Аблямитов тез орада «Болалар дунёси» олдидаги тутуруқсиз «спектакль»ни кўп киши иштирокида «ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳаракати», деб кўрсатдилар. Хўш, кимга кўрсатдилар? Албатта, Ғарбдаги «радио-овозлар»гада!

Бу — экстремистлар ўтган йилнинг охирида ва шу йилнинг бошларида республиканинг бир қанча шаҳарлари ва посёлкаларида режалаштирган ва ўтказган кўпдан-кўп ижрогарларнинг биридир, холос. М. Жемилев билан Ф. Аблямитовнинг йўл-йўриғига биноан, шундай ижрогарларни ўтказиш учун одамлар билан гавжум жойлар, кўпинча эса қайси миллатга мансублигидан қатъий назар ҳар бир кишининг қалбига жуда азиз бўлган жойлар — партия ва давлатнинг атоқли арбобларига ўрнатилган ҳайкаллар, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида, интернационал қардошлигимизнинг тантанаси йўлида ҳалок бўлганлар шарафига ўрнатилган обидалар ва ёдгорликлар олдидаги майдонлар танланди. Дам олиш ва байрам кунлари шу жойларга хизмат кўрсатган ва сочлари оқарган кишилар ўша одамларнинг хотирасини эсга олиш учун фарзандлари билан бирга келадилар. Улар баланд овоз билан гапиришдан, ҳар бир одобли киши учун муқаддас бўлган жойлардаги осойишталикни эҳтиётсизлик билан бузишдан қўрқиб тинчликни сақлайдилар. Бунда эса қрим татарларга мансуб экстремист унсурлар: «Йўқолсин репрессия! Йўқолсин милиция!», — деган ижрогарлик шиорларини кўтариб чиқдилар.

Буларнинг ҳаммаси партия ва давлат атоқли арбобларининг, Ватанимиз ҳимоячиларининг хотирасини таққирлашдан бошқа нарса эмас.

Машмашани бошловчилар ва ижрогарлар сувни лойқатиб, бошқаларни қўланса қўлмакка итариб юбордилар, ўзлари эса жуфтакни ростлаб қолдилар. Улар кўпинча шундай қиладилар. Лекин улар тиниб-тинчиганлари йўқ. Беқарор кишиларни янги ҳаракатларга ундадилар. Океаннинг нариги ёғидаги ва яқинроқдаги хира радиоовозларнинг «емиши» тугаб қолган бўлса керак. Масалан, 10 январь куни уларни: «Қадиров билан Аблаевга озодлик берилсин!», «Сабриени террор қилиш — халқни террор қилишдир!», — деган сохта шиорлар билан «озиқлантирдилар».

Қулоқни қоматга келтирадиган бундай бақириқлар нима ҳақда эканлиги ҳаммага ҳам, ҳатто йўлдан оздирилган қрим татар намояндаларига ҳам равшан бўлмаса керак. Объективликка ва совет қонунларига тўла мувофиқ равишда ўша кимсаларнинг ким эканлигини тушунтириб берамиз.

Решат Аблаев — Андижон областидан, Миновар Кадиров — Тошкентда туғилган, улар Совет давлат ва жамоат тузумини бадном қилувчи ғирт ёлғон уйдирмаларни тарқатганликлари ҳамда уларни чет элга, шу жумладан руҳан ва режалариға кўра М. Жемилевга яқин одам ҳисобланган Фикрет Юртер бошчилик қилаётган «АҚШдаги қрим татарларнинг миллий маркази» деб аталмиш ташкилотга етказганликлари учун Тошкент шаҳар суди томонидан 1986 йил 21 мартда Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 191-моддасига биноан озодликдан маҳрум этилган эдилар. Уларнинг ҳар бири уч йил муддат билан озодликдан маҳрум қилинганлар.

Экстремистларнинг Советларга қарши «Миллий марказ» билан шундай бирлашувини гўё оқлаётгандек унинг бошлиғи Фикрет Юртер ўз «маркази»ни СССРда яшовчи қрим татарлар учун ёт ташкилот эмас, деб зўр бериб сафсатабозлик қилмоқда. Лекин у, масалан, Мемет Муединов Айни ўшанинг ўзи — фашистларнинг гумаштаси Мемет Севдияр ана шу «марказдан» паноҳ топганлигини қрим татар миллатига мансуб Совет намояндаларига маълум қилмаяпти. Олис қирқ биринчи йилда ўша Мемет Муединов гитлерчилар «рейхи» абадий қолишига шу қадар қатъий ишонган эдики, ўзининг сотқинлик туркини яширмаган ҳам эди: «Большевиклар ҳокимияти энди сира қайтиб келмайди. Яширинган большевикларни аниқлаш... ва даҳоли СД (хавфсизлик хизмати) қўлига топшириш йўли билан уларни ит каби қириб ташлаш керак», деганди.

Шу ҳақиқий фашистнинг инсон зотига душманликдан иборат туриш-турмуши гитлерчиларнинг садақаларидан бирортаси билангина таъминланиб қолгани йўқ, унинг ўзи ёки у тутиб берган руслар, украинлар, яҳудийларнинг, қолаверса қрим татарларнинг ҳам қийнаб ўлдирилган вакилларининг қони ҳам унинг виждонидадир. Эндиликда у Ф. Юртернинг ҳамда у бошлиқ бўлган ва махсус хизмат маҳкамаларига сотилган «миллий марказ»нинг ҳомийлигида Совет Иттифоқидаги Қрим татарларининг тақдири тўғрисида шу қадар жон қуйдириб қолди. Ҳар қандай миллатга мансуб кишиларимизга — ягона совет халқининг ўғил ва қизларига, шу жумладан, қрим татарларга мансуб ҳақиқий ватанпарварларга шу нарса керакми? Ахир, мана шу саволнинг ўзиданоқ ҳар бир софдил совет кишисининг қони қайнаб кетади-ку! Шу боисдан ҳам экстремистлар ўз йиғинларида бундай қалтис саволларни четлаб ўтишади, албатта. Ана шу «раҳбарлар» ғаламислик ва сафсатабозликни кўпроқ хуш кўрадилар.

Ғаламислик эса республикамизда яшаётган кўпчилик қрим татарларнинг жонига тегди. Ҳозир давлат даражасида ҳал этилаётган «масала» тевараригдаги ҳеч бир кераксиз машмаша ҳам уларнинг жонига тегди. Сохта «раҳбарлар» учун бу фақат бир сабабга кўра «масала» бўлиб турибди: жўрттага авж олдирилаётган шовқин-сурон бўлмаса, раҳбарлар қуп-қуруқ қолишади-да. Уларнинг қалбида нима бор? Ўз халқи бахт-саодати йўлидаги биронта ҳақиқий иш ҳам, халқ ва жамият олдидаги хизматлар ҳам йўқ — шунчаки қуп-қуруқ жойдан бошқа нарса эмас.

Ана шу яққол кўриниб турган бўшлиқ ҳатто энг яқин кишиларнинг ақлини киритиб қўйишидан чўчиётган бу кимсалар эндиликда бошқа жойлардан келиб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлаётганларнинг қўллари билан ўзларини зўр фаолият олиб бораётган қилиб кўрсатмоқдалар. Ўша М. Жемилевнинг таклифига биноан Қримдан, Краснодар ўлкасидан, бошқа жойлардан Ўзбекистонга ғаламис чопарлар келмоқда. Иккинчи январь куни Бекобод районидаги Зафар посёлкасида таниқли ижрогар Б. Умеровнинг биродари Абинск шаҳридан келган И. Умеров пайдо бўлиб қолди. У республикамиздан ташқарида орттирилган ўзининг ижрогарлик фаолияти «тажрибаси» билан ўртоқлашди. Бошқа келгиндилар: Тамань станциясидан А. Жеппаров (унинг Тамандан Қримга уюштирилган ва барбод бўлган «марш-юриши» тўғрисида «Совет Ўзбекистони» газетасида илгари ёзилган эди), Қрим областидан келган, бир вақтлар ўқиш институтимизда бузғунлиги ва машғулотларда мунтазам қатнашмаганлиги учун Тошкент давлат педагогика институтининг бешинчи курсидан ҳайдалган З. Аметова ҳам унга жўр бўлиб вазиятни кескинлаштирдилар.

Ғаламислардан бири — юқорида келтирилган «шиор»дан жой олган Сабрие — Тошкентда қрим татар тилида нашр этилаётган «Йилдиз» журналининг ходими С. Сеутовадир. У ўз моҳиятига кўра, жамоатчиликнинг ўй-фикрларини ифода этиши шарт бўлган журналистлик ролини аллақачон худди ўша Ғарбдаги «овозлар»нинг Советларга қарши шарти кетиб парти қолган пропаганда тегирмонига лойқа сув қуйишдан иборат шубҳали ишга алмаштирган. Унинг ўша М. Жемилев билан биргаликда чет эл матбуоти вакиллари билан алоқалари тўғрисида газетхонлар бизнинг газеталаримиздан, марказий телевидение кўрсатувларидан билишади.

Лекин ботқоқ тобора тортиб кетмоқда, зотан Сабриенинг яна бир «топқирлиги» бунинг яққол далилидир.

Ўтган йилнинг декабрида С. Сеутова билан Ф. Аблямитов жамиятга зид унсурларнинг йиғинларида қатнашиш учун Москвага жўнаб кетишди. Уларни Москвадан чиқариб юбордилар. С. Сеутова Тошкентга қайтиб келгач, Москвада мени қўполлик билан машинага ўтқазишди, энди менинг кўнглим айниб, қайт қиладиган бўлиб қолдим, деб ғирт ёлғон гапларни тарқатди. У Москвада ҳам шундай шикоят билан медикларга мурожаат қилган эдим, деди.

Ҳақиқатан ҳам бизнинг текширувимиз тасдиқланди: У Москвада ҳам, Тошкентда ҳам врачларга мурожаат қилган экан. Аммо уларнинг биронтаси ҳам (Н. Бубнов, А. Казаков, А. Пиралиев, Р. Ғаниев) кўнгил айниш ва қайт қилишни келтириб чиқариши мумкин бўлган лат ейиш изларини топа олмадилар.

Бироқ С. Сеутова ўз гапида туриб олиб, республика ихтисослаштирилган нейрохирургия марказида консультацияда бўлишга эришди. Шу марказнинг раҳбари медицина фанлари доктори, профессор М. Қориев бизга қуйидагиларни тушунтириб берди:

— С. Сеутовани ихтисослаштирилган тарзда даволаш учун электрофизиологик, офтальмоневрологик, отоневрологик ва бошқа клиник текширувлар ўтказилди. Бу текширувларда бош суяги—мия жароҳатланмаган ва умуман бош суяги ва мияда бирор ўзгариш йўқ, деган хулоса чиқарилди. Сўнгра мен уни кўздан кечириб, бош суяги — мияга жароҳат етган, деган гапни батамом рад қилдим.

Экстремистлар бу гаплардан қониқишмади, албатта. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам сохта диагноз қўйилишига эришиш истаги С. Сеутовани Ўзбекистон адабиёт фонди поликлиникасига олиб келди.

Бироқ бу ерда ҳам врачларнинг хулосасига кўра, патология аниқланмади. Ўшанда унга ҳамроҳлик қилган Ф. Аблямитов Сеутованинг неврология бўлимига ётқизилишини қатъиян талаб қилди. У ТошМИнинг 1-клиникасига юборилди. Клиникада у яна боши оғриб, айланаётганлигини, кўнгли айниб, қолсизланаётганлигини айтиб, ўзини бош суяги жароҳатланган қилиб кўрсатди. Профессор Н. М. Мажидов бошчилигида ўтказилган тўла клиник текширув ва шундан кейинги консилиум бошмия жароҳатланмаганлигини ва ўзгаришлар йўқлигини аниқлади.

С. Сеутованинг ТошМИ 1-клиникасида бўлишига бирмунча батафсилроқ тўхталиб ўтиш зарур. Бу ерда бир савол туғилади. У ҳолсизланиб, боши айланаётганлигидан шикоят қила туриб, бошқа корпусга — эндокринология бўлимига, унинг айтишича, қариндоши... Решат Жемилев ётган бўлимга қатнаганлиги кишини ҳайратга солади, Решат Жемилев ўша, экстремист раҳбарлардандир.

Улар ўртасида ҳеч қандай қариндошлик йўқлиги бизга бутунлай аён бўлди. Айтиш мумкинки, улар ўртасида зарарли, қаҳр-газаб руҳидаги «қариндошлик» бор. Р. Жемилев ҳам ўз «қариндоши»нинг олдига кириб-чиқиб турган. Бундай ўзаро кўришишларда ҳар гал С. Сеутова қўшимча текширувлар ўтказилишини талаб қилиб, янгидан-янги даъволарни ўртага қўйганлиги эътиборни тортади.

Ғоят нуфузли консилиумдан кейин унга касалхонадан кетишга руҳсат берилишини айтишганида, у яна ҳийла-найранг ишлата бошлади: гўё касалхонадан чиқиши тўғрисида уйдагилар хабардор қилинмаганлигини, кийим-кечаклари бу ерда эмаслигини баҳона қилди, хуллас ҳар қандай йўллар билан касалхонадан кетишни кечиктирди. Ҳамма нарса жой-жойида бўлганидан кейин даволовчи врач Галина Леонидовна Кумарина унга шундай деди:

— Хоҳласангиз, менинг ўзим сизни уйингизга олиб бориб қўяман. Сизда ҳеч қандай жароҳат йўқ.

Врачнинг бу гапларига жавобан Сеутова қатъиян «Йўқ!», деди ва врачларни «орадан икки кун ўтгач, мен тўғримда «Би-Би-Си» маълум қилади», деб қўрқитмоқчи бўлди.

Сабриенинг бутун ўтмиш «тажрибаси» назарда тутиладиган бўлса шундай бўлиши мумкин.

Эртасигаёқ С. Сеутова бош врачнинг икки нафар ўринбосари ҳамроҳлигида ниҳоят уйига жўнаб кетди.

Эҳтимол Сабриеда вақтинчалик тақрорланиб турса керак. Аммо у жамоатчилик фикрини жон-жаҳди билан чалғитишни истайди. Бироқ буюк «жабрдийда» ва «террор» қурбони ҳатто «халқ террор қилинмоқда» деган бемаъни шиор ниқоби остида ҳам ўз мақсадига эришса олмаяпти. Халқ эса бундай «террор»дан бехабардир. Қрим татарларнинг вакиллари кўпмиллатли Советлар ониласида янги истиқболни бунёд этиб, бутун мамлакат билан биргаликда революцион ўзгартишлар йўлидан бориб, ўзига эрк берган экстремистлар даврлатга ва унинг ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида айтаётган бемаъни фикрларни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Мана шу барча машмашалар нима учун зарур бўлиб қолди? Бу — энг аввало мамлакатимизда демократиялаш ва ошкоралик авж олдирилаётган вазиятда борган сари ўз эҳтиёжини қондира олмаётган чет эллардаги радиостанциялар учун зарурдир. Сунъий равишда чиқарилаётган «қаҳр-газаб шов-шуви» мамлакатда жамоат тартибини сақлаш юзасидан амалга оширилаётган табиий ва қонуний чораларни «СССРда эркинликнинг камситилиши», деб кўрсатишга уринаётган мафкуравий муҳолифларимизга зарурдир.

Бу М. Жемилевнинг яқин дўсти, чет элларда нашр этилган ва Советларга қарши қаратилган «Жазо медицинаси» китобининг муаллифи А. Подрабинекка зарурдир. Бу «врач» фақат унинг ўзига маълум бўлган «ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилувчилар саломатлигига зарар етказиш фактлари» тўғрисида сохта маълумотлар тайёрлаб, чет элларга юбориб туришга ихтисослашган. Тошкент шаҳар судининг М. Жемилевнинг жиноий иши юзасидан 1984 йил 15 февралдаги ҳукмида у 1979 йилда А. Подрабинек билан биргаликда чет элга эшиттириш учун руҳий касалликлар шифохонасида сақланаётган В. Рождествов деган кимсанинг ноҳуш аҳволи тўғрисида сохта ахборотни тайёрлашганлиги айтилади.

Сохта хабар аён бўлиб қолди. Аммо М. Жемилев билан А. Подрабинекнинг дўстлиги сохта хабарларни тарқатувчиларга катта даромад келтирганлиги учун ҳам давом этди. Ўтган йилнинг 15 мартида «Советская Россия» газетаси «Товламачиларни таъминлаётганлар» мақоласида Советларга қарши бўҳтон тарқатаётган ана шу икки кимса ўртасидаги «дўстлик» нимадан иборат эканини қисман очиб берди. Мақолада А. Подрабинек Ғарбга ҳар хил уйдирма ва бўҳтонлар юбориб турганлиги учун чет эллардаги Советларга қарши «фонд»дан ой сайин 250—300 сўмдан пул олиб турганлиги тўғрисида В. Кувакин айтган гаплар келтирилган. М. Жемилевга эса «ҳаққоний меҳнатлари» учун чет элдан «Союзвнешторг» орқали унинг акаси Асаннинг номига енгил автомобиль юбордилар. Эсингизда бўлса, ана шу Асаннинг хотини янги йил арафасида «Болалар дунёси» магазини олдида ҳаммадан кўра кўпроқ жазавага тушган эди.

Қрим татарлар орасидан чиққан экстремистлар ўтмиш йилларидан мерос бўлиб қолган ва бугунги кунда ҳар томонлама ҳал этилаётган мураккаб проблема тевараригда сунъий равишда жазавани авж олдириб, соғлом фикр ва иш фойдасига ҳилоф равишда ёшлар онгини миллатчилик заҳари билан қасддан заҳарламоқдалар, ўзларини ошкоралик ва демократиялаш сиёсатига содиқ қилиб кўрсатмоқдалар. Юқорида баён этилган барча ҳолатларни қандай қилиб уларнинг бу даъволари билан боғлаш мумкин? Чет элларда Ватанимиз тўғрисида зўр ҳафсала билан тўқиб чиқарилаётган уйдирма-бўҳтонлар оддий кишиларга, шу жумладан қрим татар аҳолисига даркорми?

Ҳеч даркор эмас! Оддий қрим татарлар, айниқса кекса авлодларнинг вакиллари, ҳурмат-эҳтиромга сазовор кишилар экстремистлар ва олчоқларнинг ижрогарлик хатти-ҳаракатларини қораладилар. Улар М. Жемилев ва унга ўхшаш «раҳбарлар» қаёққа бошлаётганлигини англаган ҳолда ўз хат-хабарларидан бирида хавотирланиб, шундай савол берадилар:

Марксизмнинг ашаддий душмани бўлган М. Жемилев қайси давлат таркибида ва қандай сиёсий тузумдаги автономияни ташкил этишни ўйламоқда?

Мана шу инсоний таҳликани ҳис этиб кўринг-а! Бунда яна шуни ҳам эсдан чиқармайлик: хавотирланишнинг ўзи кифоя қилмайди. Қримда партизанлар ҳаракатининг ветерани марҳум Бекир Османов 60-70-йилларда М. Жемилев ва унинг шерикларининг кўпорувчилик мақсадларида, ғарбдаги махсус хизмат маҳкамалари ҳамда океан ортидаги ҳар хил ҳомийларнинг манфаатлари йўлида «қрим татарларнинг миллий масаласи» деб аталмиш масаладан фойдаланиш йўлидаги уринишларига қақшатқич зарба берган эди.

Хавотирланишнинг ўзи камлик қилади. Ҳар бир киши аниқ позицияни эгаллаши керак: қуйидаги коллектив мактубда ифодаланган аниқ-пухта позицияни эгаллаши керак:

«Ҳурматли редакция! Жиззах область Ғаллаорол районидаги уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши ушбу мактубни босиб чиқаришингизни илтимос қилади. Биз долзарб масалаларни тор доирада эмас, балки ўзимиз билан ягона оилада яшаётган руслар, ўзбеклар, бошқа миллатларнинг вакиллари билан биргаликда ҳал этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Шундай қилинса, виждонан, адолатли бўлади. Экстремист ижрогарларни эса жавобгарликка тортиш керак. Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг аъзолари — Р. А. Абдуазизов, С. И. Багаутдинов, Т. И. Гусева».

Ҳар биримиз буни тушуниб етайлик.

Ҳар биримиз шу йўлда ҳаракат қилайлик.

Совет халқларининг «ҳақиқатпарастлар» дог тушираолмайдиган буюк дўстлиги йўлида шундай қилайлик.

Н. ПЕТРОВ.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

БУРИЛИШ НУҚТАСИ

БОНН. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Эдуард Шеварднадзе ГФРга ўзининг расмий визити натижаларига бағишлаб матбуот конференцияси ўтказди. У ГФР федерал канцлери Гельмут Колга КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Горбачевнинг шахсий мактубини топширганини айтди. Бу мактубда Совет-Ғарбий Германия муносабатларига оид жуда муҳим масалалар ва умумжаҳон доирасидаги проблемалар тилга олинган. Э. А. Шеварднадзе канцлер билан ўзаро суҳбатлари натижаларига ниҳоятда ижобий баҳо берди. Федерал канцлер ўринбосари, федерал министр Ганс-Дитрих Геншер билан ҳам ўртамизда ниҳоятда бамаъни музокаралар бўлди, деб сўзини давом эттирди СССР Ташқи ишлар министри. Совет-Ғарбий Германия мулоқоти умумий халқаро вазиятнинг бурилиш нуқтасида, бўлмоқда, деди у. Ана шундай бурилиш кўзга чалинган экан, бунда ГФР ҳукуматининг ҳам ҳиссаси бор.

СССР Ташқи ишлар министри Бонндан Мадридга келди.

ЯНГИ КОСМИК ПРОГРАММА

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Р. Рейган янги миллий космик программани маъқуллади. Бу программада энг муҳим миллий космик вазифалар белгиланган бўлиб, узоқ муддатга мўлжалланган мақсад — ер орбитасидан қуёш системасига чиқишнинг имкониятларини кенгайтириш назарда тутилган. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқишнинг кўп босқичли программаси янги космик программанинг таркибий қисмидирки, бу программа НАСА раҳбарлигида бажарилади ва Америка космонавтлари 2000 йилда ойга яна учишини ва келгуси асрнинг бошларида Марсга парвоз қилишини амалга оширишни таъминлайди.

(ТАСС, 20 январь).

Исроил босиб олинган **араб территориясида ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Босқинчиларга қарши курашаётган ватанпарварлар қурол кучи билан бостирилмоқда. Суратда: исроиллик босқинчилардан бири.**

РЕЙТЕР — ТАСС фотоси.

СЎНГГИ СОАТДА

ВАШИНГТОН. Оқ уй конгрессдан Никарагуа конгрессларига навбатдаги кўп миллион доллар ёрдам ажратилишига эришиш мақсадида кенг қўламли ташвиқот кампаниясини бошлашга тайёргарлик кўрмоқда. Якшанба куни ЮПИ ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, президент шу ҳафтада контрасларга ҳарбий ёрдам бериш масаласи хусусида икки марта сўзга чиқмоқчи, ой охирида эса худди шу мавзуда у телевидение орқали сўзласа ҳам керак. Оқ уй матбуот бўлими ходими Роман Попадьюкнинг гапларига асосланиб, ЮПИ агентлигининг хабар беришича, президент Рейган контрасларга ёрдам бериш тўғрисида конгрессга, эҳтимол, 26 январдаёқ сўров юборса керак. Шундан бир кун илгари конгресснинг 100-чақириқ иккинчи сессияси очилади. Шундан аввалги сессияда ишлаб чиқилган кун тартиби қоидаларига кўра, сенат ва вакиллар палатасида контрасларга ёрдам бериш хусусидаги масала 3 ва 4 февраль кунлари овозга қўйилади. ЮПИ ахборот агентлигининг таъкидлашича, контрасларга ёрдам учун 120 миллион доллардан 270 миллион долларгача маблағ сўралиши мумкин. Аммо маъмурият нинг расмий вакиллари ана шу сўровнинг тафсилотлари ҳозир ҳам кўриб чиқиляпти, деб уқтирмоқдалар.

ПРАГА. Чехословакия кончилари ва энергетикларнинг тўрт минг оиласи бу йил Югославия курортларида дам олади. ЧССР тармоқ касаба союзлари ва Югославиядаги «Путник београд» саёҳатлар бюросининг вакиллари бу ерда шу ҳақда битим имзоладилар. Оила билан отпускага чиқиш Чехословакия меҳнаткашлари дам олишини уюштиришнинг ҳаммага маъқул формасига айланган. Шу йилнинг ўзидаёқ оилавий йўланмалар билан 2 миллионга яқин одам дам олади.

РИМ. Рим — католик черкови бошлиғи Папа Иоанн Павел II Исроилдан фаластинлик араб халқининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб этди ва босиб олинган Араб территорияларидаги Исроил сиёсатини қоралаб, уни батамом номақбул сиёсат, деб таърифлади. Ассошиэйтед Пресс ахборот агентлигининг Римдаги бўлинмасида журналистлар ҳузурида нутқ сўзлаб, Рим Папаси, жумладан, фаластинликларнинг ўз мустақил давлатини бунёд этиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш лозимлигини таъкидлади.

БОНН. ГФРда гиёвандларнинг ўртача ёши кескин камайиб кетаётганлиги қайд этилди. Шимолий Рейн-Вестфалия вилоятидаги Мюнстерда гиёвандликка қарши кураш юзасидан маслаҳат маркази ўтказган тадқиқотларнинг натижалари шундан далолат бериб турибди. Экспертларнинг таъкидлашича, 14 ёшли ўсмирлар қаттиқ таъсир этувчи дориларни ича бошлаганлар. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳанасини айни вақтда бир нечта наркотик моддалар билан заҳарлашмоқда. Ишлатилган шприцдан фойдаланиш оқибатида СПИД касалига чалиниш хавфи гиёвандлар ўртасида, айниқса, каттадир, деб таъкидланади тадқиқотда. Ҳозир ГФРдаги гиёвандларнинг ҳар учтасидан биттасига ўлимга гирифтор этадиган ана шу вирус юққан.

(ТАСС).

АФҒОНИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОВУЛ. (ТАСС). БМТ Бош секретарининг шахсий вакили орқали Женевада ўтказилаётган Афғонистон—Покистон музокаралари барча қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамай, Афғонистон теварагидаги кескинликни реал бартараф этиш учун жиддий негиз яратди, деди Бахтар агентлигининг мухбирига Афғонистон республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили.

Бундан олдинги босқичдан кейин ўтган давр мобайнида, деб давом эттирди сўзини ташқи ишлар министрлигининг вакили, Афғонистон ичида ва халқаро майдонда кўпгина ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакатда миллий яраш сиёсати муваффақиятли равишда олиб борилмоқда, бўлиб ўтган олий жирга президентни сайлади, конституцияни тасдиқлади, кўп партиявийлик принципини мустаҳкамлади. Афғонистон узоғи билан бир йил мобайнида совет қўшинларининг чекланган қисмлари олиб чиқиб кетилиши мумкинлигини маълум қилди.

АҚШ. Детройтда бўлиб ўтган оммавий намойишда меҳнаткашлар «Ишчи ўринимизни сақланг», «Америкаликларга иш керак» деган шиорларни кўтариб чиқдилар. Кейинги пайтларда «Дженерал моторз» автомобиль корпорациясига қарашли корхоналардан бири ёпилиб, 3 мингдан ортиқ ишчи беиш қолганлиги учун шундай намойиш ўтказилган эди. Суратда: намойиш пайти.

АП — ТАСС фотоси.

• ТЕАТР ВА ТОМОШАБИН

ИНСОН МЕҲРГА ТАШНА

Ҳамза номли театрнинг «Тақдир эшиги» спектакли ҳақида

ҲАМЗА номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри ижодий коллективи томошабинларга ёш драматург Шароф Бошбековнинг «Тақдир эшиги» пьесаси асосида яратилган янги спектаклни тақдим этди.

Маълумки, бу асар бундан бир неча йил олдин республикамиз театрларида саҳналаштирилганди. Жумладан, уни «Ёш гвардия» театри ўз мухлисларига кўрсатган эди. Пьесани драматург қайтадан таҳрир қилиб чиқди, энди у Ҳамза номли театр саҳнасида намойиш этила бошланди.

Биз спектакль давомида саҳнада фақат икки қаҳрамонни кўрамиз. Айни пайтда асардаги етакчи деталь эшик ҳисобланади. Шу боисдан ҳам у «Тақдир эшиги» деб бежиз аталмаган. Худди ана шу эшик кишиларнинг яқинлашувига кўмаклашади. Айни пайтда у қаҳрамонларнинг бир-бирларидан нақадар узоқ эканликларини ҳам кўрсатиб беради. Шу деталь туфайли икки бегона бир-бирлари билан топишади. Албатта, бу фақат эшик туфайлигина эмас, балки унга ўрнатилган бузуқ қулф сабабли ҳам содир бўлади. Ён қўшнилар дастлаб бир-бирларини тушунишмайди. Лекин асар охирига бориб уларнинг характери ўзгаради, оқибатда бир-бирлари билан қаттиқ боғланиб қолганликларини ҳам сезамиз. Шуниси диққатга сазоворки, драматург ўз асарида кишиларнинг характерини ўзгартиришга мажбур қилади. Ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга, ён-атрофдаги кишиларга кўр-кўрона қараб кетавериш эмас, балки ана шу юраклардаги қувонч ва ҳасратни эшитишга ҳам даъват этади. Драматург эртанги кунни қай тарзда кўра билиш кераклиги ҳақида ҳам ошкора фикр юритади. Қаҳрамонларнинг гап—сўзларидан жамиятимизда биронта ҳам ёлғиз киши бўлмаслиги керак деган эзгу ниятни илғаймиз.

Спектаклни томоша қилишдан аввал унда иккита қаҳрамон бўлар экан деган гапни эшитиб, тўғриси жуда ажаблангандим. Сабаби, агар саҳна асарида икки киши иштирок этса, у ҳолда спектакль ниҳоятда зерикарли бўлар деб ўйлагандим. Бироқ уни кўргач, бу фикрим нотўғри эканлигига иқрор бўлдим. Менимча, спектакль муаллифлари ҳам, икки қаҳрамон образини яратган актёрлар ҳам (Гавҳар ва Жамшид Зокировлар) олдиларига қўйилган мушкул вазифанинг уддасидан чиқишган. Томоша давомидаги диалоглар турли мавзуларни қамраб олади, улар ҳам кулгили, ҳам кишини чуқур ўйга толдирувчи фикрлар билан йўғрилган, улар ўртасида жиддий луқмалар ҳам учрайди.

Жамшид Зокировнинг қаҳрамони даставвал бесўнақай ва бахти кулмаган киши сифатида гавдаланади. Асар сўнгида эса биз уни кўп нарсани билувчи, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган инсон қиёфасида кўрамиз. Бу фикрни Гавҳар Зокирова талқин қилган қаҳрамон хусусида ҳам айтиш мумкин.

— Саҳнада кўпгина образлар яратганман,— дейди Г. Зокирова.— Бироқ, «Тақдир эшиги»даги ролни ижро этишда, очиғини айтганда, бироз қийналдим. Бунинг сабаби, қаҳрамоним драматик ва комик хусусиятларга эга. Бир спектаклнинг ўзида турли қиёфадаги инсонни кўрсатиб бериш жуда мушкул. Шунга қармай, бу образ орқали анчадан буён кўнглимда тугиб юрган гапларни ҳам айтишга ҳаракат қилдим. Яъни бу образ воситасида: «Одамлар, сизнинг бахтли бўлишингиз учун кўп нарса керак эмас. Бахтингиз учун курашинг, уни сўз билан ифодалаш мумкин: қаҳрамонларнинг баъзи бир хатти-ҳаракатлари ва ўзаро суҳбатлари ғайритабиийдек туюлади. Хусусан, эркак журнал варақлаётиб икки бошли бузоқ туғилганлиги ҳақидаги хабарга кўзи тушади. Шу хабар орқали турли бўлмағур хаёлларга боради. «Қанийди,— дейди у,— эркак билан аёл бирга туғилса, боши иккита бўлса-ю, танаси бир бўлса. Шунда ҳеч қандай хиёнат-ни, вафосизликни инсон кўрмасди». Бизнингча, бу енгилтаклик бўлиб туюлади.

Комедияда давлат аҳамиятига молиқ муаммолар ҳам тилга олинади. Жумладан, Орол денгизи ва қайта қуриш ҳақидаги мулоҳазалар. Афсуски бу мавзулардаги гаплар асарга шунчаки киритилгандек таассурот қолдиради.

Бу камчиликларга қарамай, ёш драматург Шароф Бошбеков ва режиссёр Тожибой Исроилов ҳамда актёрларни катта ижодий ютуқ билан табриклаш мумкин. Чунки бундай саҳна асарини театр мухлислари анчадан буён кутишаётган эди. Назаримизда шундай спектакль юзага келган.

Д. ЖАЛОЛОВ,
журналист.

● ЯҚИНДА Юнусобод массивидаги Аҳмад Дониш кўчасида янги савдо маркази — «Болалар дунёси» фойдаланишга топширилди. Бу ердан турли кийим-кечак, пойабзал ва ўйинчоқлар бўлимлари жой олган. Суратларда: (чапдан) «Болалар дунёси» магазинининг умумий кўриниши; кийим-кечак ва ўйинчоқлар бўлимида савдо пайти.

А. ЗУФАРОВ фотолари.

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи мамлакатимиз чегараларидаги энг кекса ҳарбий округлардан биридир. У 1918 йил 4 май куни Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин имзолаган декретига асосан тузилган эди.

СССР қуролли кучларининг ва ўз округининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёрланаётган туркистонлик жангчилар янги ўқув йилининг биринчи куниданоқ юксак жанговар ва снёсий тайёргарлик ишларини қизитиб юбордилар. Улар ўз ихтисосларини мукаммал эгаллашга, ҳар қандай замонавий жанг шароитида олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришни ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар.

ДАСТЛАБКИ АЪЛО БАҲО

Лейтенант Г. Ковалев командирлигидаги разведкачилар взводи олдига тактик машқлар чоғида «душман» мудофааси ҳақидаги маълумотларни келтириш вазифаси қўйилди. Бу маълумотларни эса фақат «асир» бериши мумкин эди. Разведкачилар ана шу «асирни» қўлга туширишлари зарур эди...

Взводда тажрибали жангчилар қатори эндигина хизматни бошлаган ёшлар ҳам бор. Шунга қарамай, взвод тунда баланд тепалик орқали ўтиб олиши зарур эди. Ана шундай оғир ишни ёш аскарлар бажара олишармикан? Взвод командири шахсий составни шундай тақсимладиқи, натижада взвод командири ўринбосари, катта сержант В. Батюта, тажрибали разведкачи оддий аскарлар Ш. Сейтобулиев, В. Бабик ҳамда В. Солиевлар доим ёшлар ёнида бўлишлари, зарурат туғилганда уларга ёрдам беришлари мумкин бўлди.

Разведкачилар тунда йўлга чиқишни яхши кўрадилар. Лейтенант Г. Ковалев тоғ ёнбағри бўйлаб юришга қарор қилди: Ана шундай қилинса, «душман» соқчи постлари билан учрашиб қолиш эҳтимоли камроқ бўларди. Мазкур постлар, одатда, ё қуйида, ё қоялар орасида жойлашган бўлади.

... Олис йўл босилса ҳам ҳали унинг адоғи кўринмасди. Лекин, тўсатдан, оддий аскар В. Солиев кўзга зўрга милтираб чалинаётган чироққа командирнинг эътиборини жалб қилди.

«Душман» ёнғиналарида эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Бироқ разведкачилар тошқин дарё олдига келиб тўхтаб қолишди. Лекин қандай бўлмасин, уни кечиб ўтиш зарур эди. Жангчилар кўп ўйлаб ўтирмай, дарё кенг ёйилиб оқадиган ва оқим тезлиги оҳистароқ бўлган ердан зудлик билан кечиб ўтдилар.

Катта сержант В. Батюта бошчилигидаги қўлга тушириш группаси «душман» ҳандақлари ёнига яқинлашиб келганида тонг отиб қолган эди. Қисқа олишувдан сўнг жангчилар «тилни» қўлга туширдилар ва шу заҳотиёқ орқаларига қайтдилар.

Бироқ уларни сезиб қолишган эди. Оддий аскар Ш. Сейтобулиев бошчилигидаги группа ўртоқларининг бу ердан тез ўтиб олишларини аниқ-пухта таъминлади.

Разведкачилар ўз вазифаларини бекаму-кўст бажардилар. Қуролли кучлар юбилейи муносабати билан уларга дастлабки аъло баҳо қўйилди. Бу — машқларда иштирок этган ёш солдатлар учун эса ҳарбий фанни ўзлаштиришда ажойиб маҳорат мактаби ҳамда ўз хизматларини бошлаган илк даврдаги биринчи аъло баҳо эди.

(ЎзТАГ).

БАРИ БЕПАРВОЛИК ТУФАЙЛИ

Келиб чиқаётган ёнғинлар оқибатида кўплаб моддий бойликлар йўқотилмоқда. Инсонлар ҳаёти таҳлика остида қолмоқда. Баъзи бир кишиларнинг фикрича, бу бир табиий офат, фалокат эмиш. Лекин бундай фикрдаги кишилар қаттиқ янглишадилар. Ҳар бир ёнғин лоқайдлик ва ножўя хатти-ҳаракатлар оқибатида келиб чиқади.

Областимизда ёнғинлар оқибатида йилига 17—24 киши ҳаётдан кўз юммоқда. Юзлаб оилаларнинг турар-жой биноларига, мактабларга зарар етмоқда.

Ота-оналарнинг айби билан ёнғинда ҳалок бўлаётган болалар ҳақида гапириш кишида нохуш таассурот уйғотади. Жумладан 1985 йилда тўққиз, 1986 йилда етти ва ниҳоят 1987 йилда саккиз нафар эндигина ҳаётга қадам қўяётган болалар катталар, ота-оналари айби билан ҳалок бўлишди.

Бундай ёнғинлар асосан қишки мавсумда юзага келмоқда. Ана шу даврда кўпгина хонадон эгалари ёнғиндан сақланиш хавфсизлигининг оддий қоидалари билан ҳисоблашмаяпти. Турли хил қўлбола электр иситгич асбоблари ва чўян печкалар ўрнатилиб хонадонлар иситилмоқда. Оқибатда электр тармоқларидаги ортиқча кучланиш натижасида келиб чиқадиган қисқа туташув ёнғин чиқишига олиб келмоқда.

Ёнғин оқибатида ҳалок бўлган кишиларнинг қариндошуруғлари, ота-оналари дардини қайта қўзғашни истамас эдик. Лекин бу ҳақда тўхталиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Чунки бундай мудҳиш воқеалар ҳанузгача давом этмоқда. Масалан, ўтган йилнинг 3 декабрида Узгариш қишлоқ Совети территориясидаги Куйбишев номли жолхознинг 5-бригадаси Ленин кўчасидаги 218-уйда истиқомат қилувчи Н. Т. Мардонова лоқайдлиги туфайли икки ёшли ўғлидан ажралди. У шу куни эрталаб поликлиникага кетганди. Болалари деярли етти соат уйда ёлғиз қолишган. Хонадонга ўрнатилган чўян печь ёнига эса болалар кийими қуритиш учун илиб қўйилганди. Печдан сачраган учқун оқибатида тўсатдан ёнғин бошланди. У тезда уй жиҳозларига ўтди. Гўриллаб бораётган аланга икки ёшли Дилшодни ҳам ўз домига олди. Худди шундай воқеа Бўстонлиқ районидаги «Новгород» совхозида истиқомат қилувчи Туданбоев оиласида ҳам содир бўлди.

Шунингдек, ички ишлар оқибатида ҳам ёнғин келиб чиқиши тез-тез учраб туради. Жумладан, 1987 йил 3 июлдаги ёнғинда 1927 йилда туғилган А. Осенко ҳалок бўлди. У маст ҳолатда сигарета чекканича ухлаб қолган. Ўчмаган папирос қолдиғи ўринга тушиши натижасида ёнғин келиб чиққан.

Ўтган йилнинг 30 октябрида эса Чирчиқ шаҳар Вишневский кўчасидаги 30-уйда истиқомат қилувчи А. Содиқов туни билан ўзи тайёрлаган самогондан ичиб, телевизорни ўчирмасдан ухлаб қолган. Кўп вақт мобайнида ишлаб турган телевизордаги қисқа туташув ёнғинни келтириб чиқарди, ухлаб ётган А. Содиқов эса ўрнидан қайтиб турмади. Агарда юқорида номлари зикр этилган кишилар ёнғиндан сақланиш қонун-қоидаларига риоя қилганларида, бу, мудҳиш воқеалар содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди, албатта.

В. ЛУКИН,
область Ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи.

СЕВИБ ЎРГАНИШМОҚДА

Пойтахтимизнинг Киров районидаги Ватутин номли 273-ўрта мактабда рус тили дарслари сифатини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Машғулотлар пайтида ўқув фильмлари лингофон аппаратларидан фойдаланиш туфайли талабаларнинг ўзлаштиришлари яхшиланди.

Ўқувчилар оғзаки нутқини шакллантириб бориш йўлида Н. А. Лемешкин, А. Новсардов, С. Асадова каби ўқитувчилар тинмай изланмоқдалар.

Т. САФАРОВ.

КИТОБХОНЛАР УЧРАШУВИ

Коммунистик районидаги Марказий кутубхонада бўлиб ўтган «Биз, замон ва китоб» мавзуидаги учрашувдан унинг иштирокчилари яхши таассурот олдилар. Бу кечада Р. Биесинбоева, Г. Илёсова сингари кутубхона ходимлари ва педагог Наталья Николаеванинг суҳбатлари айниқса мароқли бўлди. Район ҳаваскор ёзувчи ва шоирлари ўз асарларидан намуналар ўқиб бердилар.

Л. МАНСУРОВ.

ҲАМКАСБЛАРИ ҚУТЛАШДИ

Қирқ икки йилдан буён педагоглик қилиб келаётган Абдулаҳат Нишоновни яқинда ҳамкасблари олтмиш ёши билан қутлашди. Шу куни Бўка районидаги 27-ўрта мактаб бадиий ҳаваскорлари устозларига атаб қўшиқлар айтиб беришди.

М. ҒАФФОРОВА.

Тошкентда қиличбозлик бўйича II ўсмирлар ўйинлари бўлиб ўтди. Унда жами 180 спортчи иштирок этди.
Суратда: мусобақа пайти.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ фотоси. ЎзТАГ.



РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚУЛАЙЛИКМИ Ё НОҚУЛАЙЛИКМИ?

Метронинг янги линиялари ишга тушиши муносабати билан айрим маршрут йўловчиларига талайгина қийинчиликлар ҳам пайдо бўлди. Масалан, Янгиобод массивига 15-микроавтобус қатнар эди. Кейинчалик у кенг ҳажмли автобусга алмаштирилди. «Чкалов» метро станцияси ишга тушгач, 102-автобус маршрутининг қатнови умуман тўхтатилди. Шаҳарга бориб келиш учун бу йўлдан юрувчи кишиларга анчагина ноқулай бўлиб қолди. Шунинг учун Янгиобод массиви билан Ленин майдони оралиғида қатновчи микроавтобус ҳаракати қайта тикланса ёмон бўлмас эди.

49-автобус маршрутида бўлган ўзгариш ҳам йўловчиларга талайгина ноқулайликлар яратди. Бу маршрутдаги автобусларни Юнусобод массивига Жаҳон Обидова ва Энгельс кўчалари орқали ҳаракати йўлга қўйилса, «Узбексельмаш» заводи ишчилари учун ҳам яхши имкониятлар яратилган бўлар эди.

Иккита завод ишчиларининг илтимосига мувофиқ 48-автобус маршрути йўналишига ўзгартириш киритилиб, йўловчиларга анча қулайликлар яратилди. Ана шу маршрут «Слоним» массиви орқали Кадишев автостанциясига қатнаса, янада яхшироқ бўларди.

«Главташпассавтотранс» раҳбарларига шаҳар транспорти ҳайдовчиси сифатида юқоридагилардан ташқари 7-микроавтобус, 106-автобус маршрутларидаги йўловчиларнинг кўпкамлигига қараб, қайта кўриб чиқилса, ёмон бўлмас эди, деган ўзимнинг шахсий мулоҳазаларимни газета орқали билдиришни лозим топдим.

А. ЮСУПОВ,
ҳайдовчи.

БЎҚАЛИК ЁШЛАР УЧУН

● **РАЙОН марказида янги видеобар ишга туширилди. Келганлар бу ерда тамадди қилиш билан бирга ўзлари ёқтирган кинофильмларни томоша қилишлари, шунингдек, турли конкурс ҳамда викториналарда иштирок этишлари мумкин.**

Э. САИДКАРИМОВ.

СПОРТ

БОКС

● ЭРТАГА «Юбилей» Марказий спорт саройида бокс бўйича СССР чемпионати старт олади. Рингга барча Иттифоқдош республикалар, Москва ҳамда Ленинград шаҳарларининг 250 га яқин боксчиси чиқади. Республикамиз шарафини Ренат Тришчев, Ҳаким Матжонов, Қосим Раҳимов, Артур Григорян, Филипп Яковлев каби чарм қўлқоп усталари ва бошқа ёш боксчилар ҳимоя қилишади. Мусобақаларнинг ғолиблари 31 январда аниқланади.

СУЗИШ

● МЕҲНАТ резервлари спорт комплекси бассейнида ёш сув остида сузувчиларнинг мусобақалари бўлиб ўтди. Унда мезбонлардан ташқари Олмаота, Душанбе ҳамда Фрунзе командалари ҳам иштирок этишди. Алоҳида масофаларда мезбонлардан И. Федорчук, М. Рахматуллин, П. Расшчупкинлар биринчи ўринни эгалладилар. Республикамиз вакиллари 8х50 метрга аралаш эстафетада ҳам ғолиб чиқдилар.

Умумкоманда ҳисобида олмаоталиклар биринчи ўринни қўлга киритишди.

БАСКЕТБОЛ

● БУГУН Краснодар ва Ворошиловград шаҳарларида баскетбол бўйича саралаш мусобақаларининг сўнгги тур ўйинлари ўтказилади. Унда кучли саккизлик аниқланади. Улар олий лигага чиқиш учун ўзаро баҳс юритишади. Йўлланмага даъвогарлар орасида тошкентлик армия спорт клуби баскетболчилари ҳам бор. Ҳамюртларимиз АСК (Олмаота), «Динамо» (Фрунзе), «Строитель» (Куйбишев), «Автомобилист» (Саратов), Николаев кемасозлик институти ҳамда Иркутск уйсозлик комбинати командалари билан бўладиган ўйинларда атиги икки очкони қўлга киритишлари лозим. Ана шундагина тошкентлик баскетболчилар кучли саккизликка кириш имкониятига эга бўладилар.

ШАХМАТ

● ШАХМАТ-ШАШКА клубида эркаклар ўртасида пойтахт биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 11 имкониятдан 9 очко жамғаришга муваффақ бўлган спорт мастерлигига номзод Роман Ким ғолиб чиқиб, шаҳар чемпиони унвонига сазовор бўлди.

15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўлими тарбияланувчиси Ботир Мансуров эса мазкур мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, спорт мастерлигига номзод нормативини бажарди.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг

33-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ-СЛЕСАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА

1988-ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 1 февралда бошланиб, 6 ой давом этади.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг шаҳарга яқин районларида яшайдиган ўрта маълумотли кишилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ўрта маълумотли йигитлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга 65 сўм миқдорида стипендия ва ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида 50 процент иш ҳақи берилади.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, ўрта маълумоти тўғрисида аттестат, яшаш жойидан справка, 086/У формадаги медицина справкаси, билим юрти директори номига ариза, 4 донадан 3х4 см. ва 4х5 см. катталикдаги фотосурат.

Адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

ТОВАРЛАР ПОЧТА ОРҚАЛИ ЮБОРИЛАДИ!

ТЕЗ, ҚУЛАЙ, ФОЙДАЛИ!

ЦЕНТРОСОЮЗ ГЛАВКООППОСИЛТОРГИНИНГ ТОШКЕНТ САВДО ПОСИЛКА КОРХОНАСИ

республиканинг қишлоқ жойларида яшовчи гражданлар берган якка буюртмалар бўйича турли галантерея товарларини жўнатади.

— пластмасса, металл, тўқимачилик ва чарм-кўндан тайёрланган буюмлар;
— пайпоқлар, трикотаж, ва тикув буюмлари;
— радиофото товарлари, хўжалик асбоблари;
— эркаклар, аёллар соатлари, деворга осиладиган соатлар, қўнғироқли соатлар.

Таклиф қилинаётган товарлар рўйхати билан ўзингизга яқин алоқа бўлими ёки универсам магазинида танишишингиз мумкин.

Буюртманинг бажарилиш муддати — буюртма посилка корхонасига келиб тушган пайтдан бошлаб бир ой.

Буюртмаларни қуйидаги адресга юборинг: 700193, Тошкент шаҳри, Мичурин кўчаси, 88-уй.

КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИ, ШАХСИЙ ТОМОРҚА УЧАСТКАЛАРИ БЎЛГАН ГРАЖДАНЛАР, БОҒ-ПОЛИЗ ЎРТОҚЧИЛИК ШИРКАТЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ, ТАЙЁРЛОВ БОШҚАРМАСИ РАЙОН ТАЙЁРЛОВ ИДОРАЛАРИ ОРҚАЛИ

АҲОЛИДАН ОРТИҚЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ

СОТИБ ОЛАДИ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашёларини район тайёрлов қабул пунктларига топшириш — бу сизга ҳам, давлатга ҳам фойдалидир.

Қабул пунктларига янги сабзавотлар, мевалар, картошка, хўраки нав узумлар, полиз экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириш мумкин. Тайёрлов идоралари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашёларни топширувчи кишилар билан шартномалар тузади ва улар яшчиклар ва қоплар ҳамда транспорт билан таъминланадилар, зарур бўлиб қолган тақдирда уларга ўсимлик маҳсулотлари юзасидан тузилган шартнома пулининг 30 процентига қадар аванс пули тўланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашёлари тузилган шартномага кўра амалдаги стандартлар ва баҳолар, прейскурантларга биноан чекланмаган миқдорда сотиб олинади.

Тайёрлов мавсуми даврида қабул-тайёрлов пунктлари дам олиш кунисиз соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

Қабул пунктларининг жойлашган ерини район тайёрлов идораларидан билиб олиш мумкин.

Справкалар учун телефон: 56-59-05.

МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИНИНГ ТАЙЁРЛОВ БОШҚАРМАСИ

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Узбексвязьстрой» республика қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

(Тошкент область РСУ)

ТУГАТИЛДИ

Даъволар 14 февралгача қуйидаги адресда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Широкая кўчаси, 2-уй. «Узбексвязьстрой» бирлашмаси.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ АГРОСАНОАТ ҚОМИТЕТИ ҚУРИЛАЁТГАН ОБЪЕКТЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 700000, Пушкин кўчаси, 118-уй.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 6-қурилиш трестининг йўқолган

ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/1 да **Аризасига кўра**, 22/1 да **Бахтли гадолар.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32